

Энг улуғ, энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муборак бўлсин!

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзқўқ



1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 29-avgust, №35 (868)

Парламентда

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим масалалар

Ўтган ҳафтада пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Дастлаб сенаторлар мамлакат Экологик ҳаракати ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган материаллар асосида "Тожикистон" Талко" ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экология ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирини бартараф этиш чоралари тўғрисида"ги масалани муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида 1975 йилда қурилган, ҳозирда ишлаб чиқариш технологияси замон талабларига жавоб бермай қолган, тозалаш тизими самарасиз бўлган алюминий корхонаси ҳар йили атмосферага 22-23 минг тоннага яқин ифлосланти-

рувчи моддаларни, шу жумладан, 200 тоннадан ортиқ гоят хавфли ҳамда инсон соғлиғи ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган фторли водород чиқармоқда. Ушбу зарарли моддаларнинг талай қисмини ҳаво оқими "Талко" ДУКнинг атрофидоғи Тожикистон ерларига ва Ўзбекистоннинг чегара ҳудудлари бўлган Сурхондарё вилоятининг қатор туманларига олиб ўтмоқда. Бу ўз ўрнида мазкур вилоятнинг шимолий туманлари ҳудудида атмосфера ҳавосининг кескин бузилишига олиб келаётди. Айниқса, ҳудудда болаларнинг ўлик туғилиши, ёшлар ўртасида патологик касалликларнинг кўпайиши барчани хавотирга солмоқда.

[Давоми 6-бетда]

Мукофот муборак!

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармониغا биноан мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган бир гуруҳ юртдошларимиз ватанининг юксак мукофотлари — орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида прокуратура органлари ходимларидан қуйидагилар бор:

"Дўстлик" ордени билан

Бекмуратов Тенгелбай Балтабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани прокурори

"Жасорат" медали билан

Мирвакулов Джамшиддин Мурадилаевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Рахимова Гольноза Абдусаттаровна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи

Туляганова Зўҳра Эгамбердиевна — Самарқанд вилояти Нарпай тумани прокуратураси катта нозир

Умурзаков Шавкат Буранович — Тошкент вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи

"Шуҳрат" медали билан

Бабаджанов Нариман — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси молия-иқтисод бўлими бошлиғининг ўринбосари

Мирасилов Алишер Сахоббайевич — Тошкент шаҳар Юнособ тумани прокурори ўринбосари

Отажонов Бахтиёр Дадажонович — Бухоро вилояти Когон шаҳар прокурори

Розумбетов Камилжан Сапаевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютаси оид қиёоятларга ва жинсий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти Хонқа тумани бўлими бошлиғи

Сабурова Алтингуль Алламбергеновна — Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси катта нозир

Ифтихор



Қонун устуворлигини таъминлаш йўлида

Дунёда энг азиз неъмат нима, деган саволга ҳамма турлича жавоб беради. Аммо ўйлашимизча, инсон учун тинчлик-хотиржамликдан-да азизроқ, буюкроқ неъмат йўқ, аслида. Шунинг баробарида, яна бир эзгулик ҳам бор-ки, унингсиз пок ниятлар рўёбга чиқмайди, одам ўзини бахтлиман, деб айтмайди. Бу Истиқлол, дег аталмиш бахт, қадр-қиммат, ор-номус, фахр-ифтихордир.

Ахир кечагина дунё мамлакатлари қаторида ўз Конституциямизга, байроғимизга, мадҳиямизга эга бўлганимиз билан қувонган бўлсак, бугун ўз сўзимиз, бунёдкорлик салоҳиятимиз, иқтидоримиз яратган энгилликлар билан фахрланаямиз. Истиқлол сабаб азалий қадриятимиз тикланди. Улуғ аждодларимизнинг қадамжолари обод масканларга айланди. Бир сўз билан айтганда эса, истиқлол туфайли бугун Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. Бу ёруғ оламда мамлакатлар кўп, элу элатлар бисёр, аммо жонахон Ўзбекистон биз учун ягона. Санокли кунлардан кейин юртимиз мустақиллигининг қутлуғ йигирма икки йиллигини нишонлашимиз, айнан Истиқлол берган кенг имкониятлардан фойдаланиб, жаҳон сахнасида шахдам қадамлар билан кириб бораётганимиз улкан ва тенгсиз бахт, олий саодатдир.

Бундан ташқари, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда "Ўзбек модели" асосида мустақкам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилди. Бу пухта ўйланган ва оқилона сиёсат юртимизнинг халқро микёсда

олиб бораётган дипломатик алоқалари, икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бугун халқро ҳамжамият Ўзбекистонни тинчликпарвар, муаммоларни музокара йўли билан ҳал қилишга интиладиган давлат сифатида билди ва эътироф этмоқда.

Истиқлолнинг йигирма икки йиллик байрами давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" деган эзгу гоя асосида нишонланмоқда. Зеро, мустақиллик эркин ва фаровон яшашни, бошқалардан кам бўлмаслик туйғусини дилимизга жо этди. Ватан озодлиги эса одамларнинг бахт-саодати, давлатнинг қудрати, дунё ҳамжамиятида тутган ўрни билан қадридир. Буларнинг барчаси тақдиримизнинг ойдинлиги, бахтимизнинг барқарорлиги, эркин ва обод Ватанимизнинг гуллаб-яшнаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Инсон манфаатлари олий қадрият дея ҳисобланган жамиятимизда, шунингдек, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, юқорида таъкидланганидек, энг аввало, одамларнинг орзу-интилишлари

Мирзохид ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар прокурори

рўёби, уларнинг турмуш фаровонлиғига қаратилгани билан ҳам ниятда аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбари энг катта бойлигимиз одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришдир, деган эдилар. Бу эврилиш эса юртимизнинг ҳар бир гўшасида аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга қаратилган изчил ислохотларнинг самараси ҳисобланади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, аҳолининг қонунларга ишончи ортди. Бу ўз-ўзидан қонунларга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантирибгина қолмай, унга бўйсунмиш таомиллини кишилар онгига сингдирди. "Мустақиллик ҳуқуқ демекдир!" — Юртбошимизнинг ушбу пурмазно фикрлари ҳаётда ўз ифодасини топти.

Инсон шайни ва қадр-қиммати, унинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимояси, уларни қафоллаш масаласининг биринчи ўринга қўйилиб, давлат даражасига кўтарилиши ўз навбатида прокуратура органлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ўз фаолиятини ана шу таомилга асосланган ҳолда олиб бораётган Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига путур етказилаётган ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар қўрилмоқда.

[Давоми 4-бетда]

Банк кредитлари қанчалаб хайрли ишларга пойдевор бўлаётган бир пайтда, имкониятни шахсий манфаат йўлига буриб, текин даромад эвазига қалтис ўйин бошлайганлар ҳам учраб турибди. Аниқроғи, банкларда фаолият юритаётган баъзи холимлар ўз мансаб ваколатларини суистеъмоал қилиб, тадбиркордан бир нима уммас, уни сарсон қилишгача боришарди.

Текин лукма тиш синдира...

Шавкат ЖҲРАБЕКОВ,
Навоий вилоят прокуратураси
катта терговчиси

"Eksklyuziv Diyor Biznes" хусусий корхонаси раҳбари Р.Ашуров савдо фаолиятини ривожлантириш учун 60 млн. сўм микдорда кредит олиш мақсадида бир неча банка мурожаат қилиб кўрди. Унга маъкул келгани чет эл капитали иштирокидаги "Савдогар" ОАТБнинг вилоят филиали бўлди. Бир танишининг маслаҳати билан ушбу муассасанинг ички назорат бўйича бошқарувчи ўринбосари лавозимда ишлаб келаётган Умржон Фозиловга (исм-фамилияси ўзгартирилган) учрашди. Икки ўртада келишув "имзоланди".

— Ҳаммаси тайёр, ака. Бу ёғига озгина қўллаб юборасиз, — деди тадбиркор ва ҳужжатлар билан бирга 800 АҚШ долларини узатди. — Қолган икки юзини кредитни олгач бераман.

У.Фозиловнинг хечраси ёришди. Шу тобда унинг ҳаёлидан "бундай имкониятни қўлдан чиқариш аҳмоқонас" иш", деган фикр ўтган бўлса ажабмас.

— Яхши, келишган вақтда пулни чиқаришга ҳаракат қиламиз...

Аммо кредитдан ҳа, деганда дарак бўлавермади. Р.Ашуров банкир билан яна учрашди:

— Ака, биз келишган кундан анча ўтиб кетди, пулни қачон оламан?

— Бироз шошмай турасиз энди, ҳадемай чиқарамиз...

— Ўйлаб қарасам, менга 70 млн. сўм керак бўлаяпти. Шунча вақтдан бери овера бўлиб юрганмига яраша яна ўнга қўшиб беролмайсизми? — сўради тадбиркор.

— Сиз қўйган "залог" катта суммага баҳоланган, шундай қилсак бўлади. Фақат бунинг учун яна беш ўз қўқидан керак. Бунинг устига олдин берган саккиз юзингиз бошлиқлар ўртасида тақсимланди, — жавоб берди банкир.

Кутишдан чарчаган Р.Ашуров энди "шапка"нинг "ставкаси" ошганидан хуноб бўлди ва тегишли жойга арз қилди. Шундай қилиб, У.Фозилов Р.Ашуровдан 500 АҚШ долларини олаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Текин лукма тиш синдира, деганлари шу бўлса керак-да! Мулкий наф қўраман, деб яхши лавозим, обрў-эътиборнинг бошига сув қўйган У.Фозиловнинг борар манзили қора курси бўлди.

Ҳа, мансаб, бойлик шундай нарсаски, одам боласи кўзининг қандай боғланганини билмай қоларкан. Пешона деоворга текканда эса...

У.Фозилов суд ҳукмига кўра 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорига асосан жазо муддати учдан бир қисмига қисқартирилди.

Эътиборсизликка йўл йўқ

Бугун фуқароларнинг давлат органларига ва муассасаларига мурожаатлари ва уларни кўриб чиқиш "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонун нормаларига амал қилиш ва уни оғишмай бажариш учун республика давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг деярли барчасида "Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш" Тартиби (Йўриқнома, Низом, Қўлланма ва бошқалар) мавжуд. Аммо баъзи бир ташкилот ва муассасаларда бу муҳим масалаларга эътиборсизлик билан қараш ҳолатлари, афсуски учраб турибди.

Ана шундай эътиборсизлик ҳолатларига ўз вақтида барҳам бериш мақсадида Зангиота туман прокуратурасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун "007" рақамли ишонч телефони мунтазам ишлаб турибди.

Қонунчилик тарғиботи бўйича ходимлар томонидан жами 11 мартаба оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинган. Ишонч телефонида жорий йилнинг 6 ойи давомида 5 нафар тадбиркорлардан мурожаат келиб тушган, текшириш жараёнида уларнинг ҳаммаси қаноатлантирилди.

Хусусан, 2013 йил 29 март куни "Миришкор Баҳром Ахор" фермер

хўжалиги раҳбари А.Баҳрамов ва "Мунаввар Тонг Барака" фермер хўжалиги раҳбари А.Шокиров туман Давлат статистика бўлими томонидан 2013 йил 10 январда уларга нисбатан МЖТКнинг 215-моддаси 2-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарор қўлланилганидан норозилигини билдириб мурожаат қилишди. Унга кўра, Давлат статистика бўлимининг мазкур қарорлари туман прокуратураси томонидан ўрганилганда, фермер хўжаликлари раҳбарларига нисбатан 795 минг 900 сўм микдордаги жарима жазоси нотиғри қўлланилганлиги аниқланди. Сўнг чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, фермер хўжаликлари раҳ-

Жўрабой РУЗМАТОВ,
Зангиота туман прокуратури
ўринбосари

барларининг поймол этилган ҳуқуқлари тикланди.

Яна бир мисол. Туманда фаолият кўрсатиб келаётган "Mega fashion tex" МЧЖ раҳбари туман бандликка кўмаклашиш марказига жамиятга қабул қилинган 4 нафар ишчига меҳнат дафтарчаси олиш учун қилган мурожаати эътиборсиз қолаётганлигини ишонч телефони орқали баён этди. Текширишда ҳақиқатдан ҳам мурожаат қилган жамиятга меҳнат дафтарчаси берилмаганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан бандликка кўмаклашиш маркази инспектори Н.Фаффаровага чора кўрилиб, жамият меҳнат дафтарчаси билан таъминланди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари томонидан келиб тушган аризалар юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида бир неча тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Фаровонлик омили

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга эмас, бундай қилимларни содир этган шахсларга тўғри йўл кўрсатиб, фаолиятини қонуний асосларда йўлга қўйишга кўмаклашиш ҳам департамент холимларининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бунинг СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туман бўлими фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Бўлим ходимлари томонидан Амударё тумани "Ўрта қалъа" ОФЙ ҳудудига жойлашган "Анвар Калата" МЧЖга қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасида фуқаро Р.Тоҳимуродов ва О.Очиловлар ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда автомобилларга газ балонларини ўрнатиш ва техник кўриқдан ўтказиш билан шугулланиб келаётгани аниқланди. Улар 2012 йилнинг август ойидан шу кунга қадар 122 та енгил автомобилга тўрт хилдаги газ балонларини 128 млн. 140 минг сўм нақд

пулга ўрнатиб, 16 млн. 150 минг сўм даромад олишган. Бу пулдан давлат бюджетига солиқ тўлашмаган, албатта.

Бир жиноят иккинчиси келтириб чиқарган. Яъни Р.Тоҳимуродов ҳамда О.Очиловлар газ балони ўрнатилган автомашина эгаларига газ балонлари автомашиналарга Гулистон шаҳри Амир Темури кўчаси 53-уйда фаолият олиб бораётган "КТД авто-таъмирлаш" МЧЖда, Гулистон шаҳри Нодирабегим кўчаси 30-уйда жойлашган "Транс агент ИЛЭТ" МЧЖда, Қўқон шаҳри Шохруҳобод кўчаси 39-уйда

фаолият олиб бораётган "Ойбек метан газ" МЧЖда ўрнатилганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳамда автомашинага газ балони билан техник кўриқдан ўтказилганлиги ҳақида далолатномаларни бериб келишган.

Ушбу ҳолат бўйича жорий йилнинг 15 март куни жиноят иши қўзғатилди. Бундан хулоса чиқарган Хоразм вилояти Янгйбозор тумани Халқобод қишлоғида яшовчи Р.Тоҳимуродов 20 апрель куни департаментнинг Амударё туман бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, туманда автомобилларга ўрнатилган газ балонларини техник кўриқдан ўтказиш хизматини кўрсатувчи хусусий корхона очишда ёрдам беришни сўрайди. Ушбу ариза тегишлилиги бўйича тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясига юборилди.

Бўлимнинг амалий

Алишер МАРДИЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Амударё туман
бўлими инспектори

ёрдами натижасида Р.Тоҳимуродовнинг номига "Мангит-Ургенч метан газ" МЧЖ очилди ва 3 нафар шахс иш билан таъминланди.

Қаловини топса, қор ҳам ёнади, дейишади. Халқимиз орасида ишбилармон, уйдабурон одамлар кўп. Мухими, уларнинг фаолиятини тўғри йўналтиришдир. Бизнинг вазифамиз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати ҳаётда ўз аксини топишига астойдил хизмат қилишдир. Зеро, тадбиркорлик халқ турмуши фаровонлигини таъминловчи асосий омилдир.

Қинғир йўлнинг адоғи

Раҳматилло ТҲАБОВЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Бўз туман бўлими суриштирувчиси

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва уни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида давлатнинг иқтисодий қудрати тобора ортиб борапти. Шу билан бирга, бу йўналишда фаолият олиб бораётган юртошларимиз ҳам ўз турмуш тарзини фаровонлигининг юксак чўққиси томон олиб чиқишмоқда.

Тадбиркорларга берилган ҳуқуқий қафолат, қатор имтиёзлар соҳанинг ривожига муҳим омил бўляпти. Айниқса, оилавий тадбиркорлик, яъни тартибдаги тадбиркорликнинг ҳам истиқболи таъминланди.

Бироқ бу имтиёزلардан ҳамма ҳам бирдек фойдаланмаяпти. Ахён-ахёнда бўлса-да, тадбиркорлар орасида қонуни четлаб ўтиб, бойлик орттириш ниятида қинғир йўлга кирганлар ҳам учраб турибди. Жумла-

дан, туманимизнинг Охунбобоев маҳалласида фаолият олиб бораётган якка тартибдаги тадбиркор Бозорбой Исमतов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундайлар хилидан экан. У ўз фаолиятини ҳалоллик билан, қонунда белгилаб қўйилган тартибда давом эттирмасдан ноқонуний ишга қўл урди.

Бўз туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари юқорида айтилган манзилдаги Б.Исमतовга тегишли савдо дўконига қисқа муддатли текшириш ўтказдилар. Текшириш давомида эса бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, Б.Исमतов савдо дўконига жами 7500 сўмга маҳсулот сотиб, чек бермади. Шундан сўнг дўкон кўздан кечирилганда, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 615 минг сўмлик алкоғол ва тамаки маҳсулотлари борлиги аён бўлди ва улар ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси экспертиза криминалистика бўлими-

нинг хулосасида Б.Исमतовнинг дўконидан ашёвий далил сифатида олинган мазкур алкоғол маҳсулотлари давлат стандартлари талабларига жавоб бермаслиги кўрсатилган.

Албатта, бу каби қонунбузарлик, ўзбошимча фаолият ўзининг ҳолисона ҳуқуқий баҳосини олиб, Б.Исमतов тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Инсон ҳаётда инсоф-диёнат чегарасидан чиқмай, белгиланган тартиб-қоидалар асосида ҳалол яшаса, ўз мақсади сари тўғри йўлдан оғишмай интилса, албатта, бахтга эришади. Бироқ қинғир йўлни танлаб, ноқонуний бойлик орттиришни истаган кимса, албатта, ўзига ҳам, ақинларига ҳам зарар келтириши табиий.

Бебаҳо тарихий манба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китоби ҳақида



**Истиқлолнинг
22 йиллигига**

Бугунги тинч, осуда ҳаётимизнинг қадри ва шукроналикни чуқур англашда, халқимизнинг онгу шуурида Ватанга бўлган муҳаббат ва салоқат туйғусини мустаҳкамлашда, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов асарларининг ўрни беқиёс. Аввало, Юртбошимизнинг ҳар бир асарига эзгу ғоялар ва халқчил мушоҳадалар ёшларимизни ҳар томонлама муносиб авлод, жасур ва мард фарзанд этиб тарбиялашда юксак аҳамият касб этади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китоби мустақилликка эришиш даври, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида тасаввур ҳосил қилувчи яхлит асар, дейилса муболага бўлмайди. Энг улуг ва энг муқаддас неъмат бўлган Мустақиллик деган туйғунини дилдан ҳис этиш бахтига эришиш онларининг назик ва қалтис даври, яъни 1989-1992 йилларга оид жиддий таҳлилий асар ушбу китоб нашр этилгунга қадар мавжуд эмасди. Неча юз йиллар давомида озодликка интилиб яшаган ўзбек халқининг ана шу ҳал қилувчи уч йил давомида кечган сурони, изтиробли кунларини ўзида ақс эттирган бу китоб барчамизни ўтмишни унутмасликка ундайди.

Бир вақтлар давлатимиз раҳбари ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йилмизга яна бир назар ташлаб, мустақил миллий тараққиётимиз давомида амалга оширилган тизимли ва залворли ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш, унинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсада мувофиқ эканига диққатимизни қаратган эди.

Шу маънода, муаллиф аввалги асарларида истиқлол ўзбек халқига туғфа тариқасида берилмагани — буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама, чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини алоҳида қайд этиб ўтгани бежиз эмас.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуг байрами арафасида Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китобининг нашр этилиши эса ана шу бўшлиқни тўлдиришдаги моҳияти билан ҳеч шубҳасиз, алоҳида ўрин тутати.

Бундай долзарб ва бағоят кенг қўламини мавзу айнан истиқлолимиз меъмори, мустақил миллий давлатчилигимиз асосчиси ва йигирма йиллик қисқа, аммо мантқан буюқ тарихий давр орасидаги юксалиш жараёнининг марказида бўлган инсон — муҳтарам Президентимиз томонидан ушбу китобда теран таҳлил билан ёритиб берилган. Шу сабаб китоб бошқа хорижий тилларга ҳам таржима қилинган, бир неча бор нашр этилган ва тақдиротлари ўтказилгани кўпчиликка маълум.

"Китобдан давлатимиз раҳбарининг мураккаб тарихий даврга сўзлаган маъруза ва нутқлари, суҳбат, мақола ва интервьюлари ўрин олган", дейилади сўз бошида. Асар мундарижасига назар солинса, унда 12 та нутқ ва 5 та маъруза, 3 та мурожаат, 6 та интервью, шунингдек, 6 та тарихий қонун ҳужжатлари ҳамда 2 та расмий ахборот матни жойлаштирилган.

Китобга киритилган манбаларни қайта-қайта мутлола қилган киши ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат туйғусини намойиш этишда ҳақиқий ўрнак кўрсата олган шахс — Ислоҳ Каримовнинг нутқ ва маърузалари ўша даврга хос баландпарвоз "қизил сўз"лардан мутлоқ холи эканига такрор-такрор ғувоҳ бўлади. Муаллиф барчамизни бугун атрофимиздаги нотинч ва таҳликали замондан ўша йигирма йил олдин ҳам доимо огоҳ ва сергак бўлиб яшашга даъват қилганида нақадар ҳақ экани одамни ҳайратга солади. Дарҳақиқат, ўша мураккаб тарихий даврда сўзланган маъруза ва нутқлар, суҳбатлар, мурожаат ва интервьюларни ўқиш жараёнида ҳар биримиз энг янги тарихимизнинг ўзимиз билган-билмаган яна кўплаб қирраларини қайтадан кашф этамиз, Истиқлол

моҳиятини чуқурроқ англаймиз.

Бу борада узоқ ва давомли мақсадларни кўлаб билдирилган фикрлар истиқлол йилларида ҳаётимизда тугал рўйбга чиқмоқда. Президентимиз раҳнамолигида қарийб 22 йил ичида амалга ошган чуқур ва кенг қамровли ислохотлар бутун халқимиз, ҳатто жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлишга улгурди.

Китобнинг қайси саҳифасини очманг ёхуд қайси бир маъруза, нутқ ёки интервьюни мутлола қилманг, уларда билдирилган самимий фикрлар, одил ва эзгу даъватлар, аввало, халқимизнинг хур, фаровон ва тинч-осуда ҳаёти учун, иқтисодий барқарорлик ҳамда ижтимоий тенгликка эришиши учун қилинган буюқ жасоратдан ёрқин намуна сифатида тасаввур уйғотаверади.

1989 йилнинг май-июнь ойларида Фарғона вилоятида бузғунчи қучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар оқибати ва бу ҳодисага нисбатан ҳолис фикрларни ифода этган маъруза ва нутқларга ҳам китобда ўрин берилган. Ўшанда янги сайланган республика раҳбари Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги биринчи нутқида бу мураккаб вазият ҳамда унинг сабаби чуқур таҳлил этилиб, шундай ҳулоса қилинади: "Биз бундан бўён эскича ашолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди".

Шунингдек, Юртбошимиз Тошкент ҳамда Москвада бўлиб ўтган нуфузли анжуманларда, матбуотдаги чиқишларида бу масалалар қатъий позицияда тургани ҳолда, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди: "Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга туғуриқсиз ва ғаразли мақсадларни кўлаб, қим қандай бўёқ бермасин, талани албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик қайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган қўпгина мисоллар билан исбот қилинган".

Маълумки, Ўзбекистон СССР деб аталган дунёдаги энг қудратли империяга қарам республика эди. Уни ҳали биронта халқро ташкилот, ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам тан

олмаган бир давр эди. Китоб билан батафсил танишган киши онгида шундай бир шароитда оғир муаммоларни ҳал қилиш учун мамлакат раҳбари қимга ва нимага ишониб ҳаракат қилган, деган савол туғилиши табиий. "Бу саволларнинг жавобини биз "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобига қирган, муаллифининг қалбиди каби янграган оташин нутқлардан топаемиз", дейилади сўз бошида. Дарҳақиқат, "Президент Ислоҳ Каримовнинг раҳбарлик фаолиятига хос бўлган ғоят эътиборли ва ибратли яна бир фазилат борки, у ҳам бўлса, сўз ва иш бирлигидир".

"Ди Ҷайт" немис ҳафтано-маси билан бўлган интервьюдан олинган бир иқтибосга эътиборни қаратсак.

Мухбирнинг: "Сиз армия ва "ОМОН" отрядларидан (алоҳида вазифаларни бажарувчи милиция отрядлари) фойдаланиш тўғрисида нималар, дея оласиз? Миллий нажот комитетлари пайдо бўлгани муносабати билан нима дейиш мумкин?", деган саволига муҳтарам Президентимиз донолик ва одиллик билан шундай жавоб қилади:

"Вазият қандай бўлмасин, куч ишлатиш билан миллатлараро муносабатларда, республикалар мустақиллигига дахлдор масалаларни ҳал этишда бирорта яхшиликка эришиш мумкин эмаслигига ишончим қиммат. Боз устига, агар армия бошқарув органларига бўйсунмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Мустақиллик самарасини ҳис этган, мустақилликка эришиш хоҳишини кўнглига го қилган кишиларни ҳеч қандай куч, ҳатто, ҳарбий куч билан тўхтатиб қолиш мумкин эмас..."

Ислоҳ Каримов истиқлолга эришиш арафасидаёқ ва ундан кейин ҳам ёшлар ва ҳарбий хизмат сифати, келажаги ҳақида кўп бор қайғурди. Бевосита Қуролли Қучлар Олий Бош Қўмондонли сифатида эса ҳарбий интизомни йўлга қўйиш, миллий армиянинг обрўси ва нуфузини ошириш юзасидан масъуллар олдиға аниқ тақлиф ва талабларни қўя билди. Шунинг учун ҳарбий хизмат соҳасида ҳам улкан ижобий ишлар амалга ошди.

"Яна бир оғиз сўз ёшларимизнинг ҳарбий хизматни ўтати ҳақида.

Республикаимиз областлари ижроия комитетлари қўпгина ҳарбий округлар билан шартномалар тузиб, ўша жойларда хизмат қилаётган фарзандларимизнинг ҳаётидан хабардор бўлиб туриш, уларга етарли шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Бу соҳадаги энг долзарб масалалардан яна бири — қурилиш батальонларида хизмат қилаётган ёшларимизнинг оғирини енгил қилишдир. У ерларда интизом, сийсий-тарбиявий ишлар низоҳатда паст даражада эканлигини биламиз. Бизнинг муҳокама учун тақлифимиз шундай: агар қурилиш

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурори ўринбосари

батальонларида хизмат қилиш керак бўлса, ўзимизда, жуда бўлмаса, Ўрта Осиё микросида ҳам қурилиш кўп. Болаларимиз шу ерда хизмат қилишсин.

Бундай қарор кўпчилик ота-оналарнинг талабига жавоб беради, деб ўйлайман", деганида Юртбошимиз нақадар ҳақ эди. Мана, эндиликда ота-оналарнинг неча йиллик орзулари рўйбга чиқди. Армияимизнинг сифат ва салоҳияти юксалди, замонавий тус олди. Жасорат ва матонатли ўғлонлар ҳисобига армия саффи кенгайди ва мустаҳкамланди.

Ушбу китобни варақлаган ҳар қандай ўқувчи Ўзбекистонда янги Конституция ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш ғоясини Президент Ислоҳ Каримов илк бор 1990 йил март ойида олдинга сургани, сўнг ўша йилнинг 20 июнида Мустақиллик декларациясини эълон қилиниши, ушбу Ҳужжат собиқ иттифок ҳудудида биринчи бўлиб Ўзбекистонда мустақил давлат Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлгани каби тарихий ҳақиқатга асосланган тадрижий воқеалар силсиласининг ғувоҳи бўлиши табиий.

Нихоят, 1991 йил 31 августда Президентимиз Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Масалан, Президент Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январдаги навбатдан ташқари IX сессиясидаги маърузасида шундай дейди: "Сийсий йўлда бурилиш бўлди. Неча йиллик орзу-умидларимиз рўйбга чиқди. Мана шу ерда сизлар билан Мустақиллик декларациясини қабул қилдик. Кейин Мустақиллик қонунини эълон этдик".

Умуман олганда, тўпلامдан жой олган ҳар бир чиқиш муҳим сийсий воқеа, юртимизни миллий истиқлолга олиб келган машаққатли ва шарафли кураш тарихининг ўчмас саҳифаси, деб эътироф этилган эса айна ҳақиқатдир. Қолаверса, Юртбошимиз айтганларидек, китоб мантқиқий-ғоявий занжир билан давом этади, ўқувчини "Тарихий хотирасиз келажақ йўқ" эканидан огоҳлантиради, ўзига хос ибрат, оқибат дарсини ўтайди. Ва албатта, китобнинг ҳар бир саҳифаси бизни наинки тарихий кечмишдан сабоқ чиқаришга ва бугунги саодатли кунларимиз учун шукрона қилишга, айна вақтда ёруғ келажагимиз йўлида бирлашишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлишга даъват этади.

Муҳтасар қилиб айтганда, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли асари муҳим ижтимоий-сийсий ва маънавий-маърифий воқеа сифатида мустақилликка эришиш тарихини ўрганиш ва бунга аниқлашда бебаҳо тарихий манба бўлиб қолади.

Қонун устуворлигини таъминлаш йўлида



Давомий.
Бошланиши 1-бетда

Иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида, тўлиқ амалга оширилиши, аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар шулар жумласидандир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёмиёт ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида текширишлар ўтказилиб, 3 004 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Жумладан, ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш ҳақида 219 та протест келтирилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 335 та тақдимнома киритилган. 1 минг 89 нафар шахс расман огоҳлантирилиб, фуқаролик ва ҳўжалик судларига умумий қиймати 2 млрд. 192 млн. 981 минг сўмлик 865 та ариза киритилди. Етказилган зарарнинг 45 млн. 978 минг сўми текширув даврида ихтиёрли қолган. Прокурорларнинг қарорлари ва тақдимномалари асосида 782 нафар шахс интизомий, 318 нафари маъмурий, 20 нафари эса моддий жавобгарликка тортилиб, 1105 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Иқтисодий тараққиётнинг асосий омил ҳисобланган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан ҳам доимий назорат ўрнатилган бўлиб, соҳага оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ҳамда Бош прокурорнинг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги 87-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан 212 марта учрашувлар ўтказилган. 8 минг 65 нафар тадбиркор қатнашган ушбу тадбирлар натижасига кўра 1 минг 451 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, 80 нафарига амалий ёрдам кўрсатилган. Бундан ташқари, тадбиркорларга 85 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари олишда, 78 нафардан ошигани янги ҳаёмиёт ташкил қилиш, ҳаёмиёт низомиини рўйхатлаш олиш ёки бирон-бир фаолият билан шўғулланиш учун руҳсат берувчи гувоҳнома олишда ақйдан кўмак берилган. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тезкор ва тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида жорий этилган "Ишонч телефони"га келиб тушган 58 та мурожаатнинг 22 таси қаноатлантирилиб, 35

таси бўйича батафсил тушунтиришлар берилган ҳамда битта мурожаат аноним, деб топилган.

Шу билан бирга, пойтахт прокуратураси органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тамағирлик, ҳўжалик фаолиятига ноқонуний ара-лашиш, тазйиқ ўтказиш ва бошқа шу турдаги қонунбузилиш ҳолатларига барҳам бериш юзасидан 13 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра 86 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 46 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 1 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, "Viktor chan" МЧЖда текшириш ўтказиш жараёнида ҳўжаларини қалбақлаштириб, сохта маълумотлар киритган туман Давлат солиқ инспекцияси инспекториға нисбатан Бектемир туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, қонунбузарининг жиноий жавобгарлиги тортилиши таъминланди.

Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг муттасили ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, аҳолига, аввало, эҳтиёжманд қатламлар ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ҳимоя ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг муҳим йўналишларидандир. Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан бу борада кенг қўлмал тадбирлар ўтказилиб, ёш оилалар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга иқтисодий ва ижтимоий масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди. Давлат дастурига асосан туман ҳокимликлари-нинг қарори билан уй-ҳўйи таъмирланиши зарур бўлган ёлғиз пенсионер, ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилаларга ҳўмийлар бириктирилиб, ўтган давр мобайнида 63 нафар ана шундай фуқароларнинг уйлари таъмирлаб берилди.

Маълумки, ишсизлик турли жиноятлар ва ҳўқуқбузарликлар содир этилишининг билвосита сабаблари сирасига қиради. Шу боис, ишсиз фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш ҳамда ишга ҳўйлаштириш масалалари алоҳида назоратга олинган бўлиб, ҳокимият ва бошқа му-тасадди идоралар билан ҳам-корликда Ўзбекистон Респу-бликасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қону-ни ижросини таъминлаш бўй-ича салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, 2013 йил-нинг 1-ярмида шаҳар бўйича 40 минг 835 та янги иш ўринла-ри яратилиши режалаштирил-ган бўлиб, амалда барча соҳа-

лар бўйича бу кўрсаткичлар ба-жарилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказ-ларига мурожаат қилган 5 минг 197 нафар фуқародан 2 минг 318 нафари иш билан таъмин-ланди, бошқалари касбга тай-ёрланиб, айримлари ҳақ тўла-надиган жамоат ишларига жалб этилди. Амалга оширилган ушбу ишлар, ўз навбатида, шаҳар ҳудудида криминоген вазиятнинг бирмунча бар-қарорлашишига ўзининг ижо-бий таъсирини кўрсатди. На-тижада жиноятчилик 3,9 фоиз-га, жумладан, ишламайдиган ва ўқимайдиганлар томонидан содир этилиши 21,1 фоизга ка-майдди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-модда-сида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан бирга-лида ваколатли давлат орган-ларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакиллариға ариза, тақ-лиф ва шикоятлар билан муро-жаат қилиш ҳўқуқига эға экан-лиги, аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгилан-ган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги қатъий белгилан қўйилган. Ин-соннинг ушбу конституциявий ҳўқуқ ва эркинликларини амал-да таъминлаш мақсадида 1994 йилда Ўзбекистон Республика-сининг "Фуқароларнинг муро-жаатлари тўғрисида"ги Қону-ни қабул қилинди. Унга амал қилиш давомида тўпланган тажриба ҳамда инсон ҳўқуқла-рига оид қонунчилик базаси-нинг янада такомиллашуви ушбу қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақо-зо этгани боис, 2002 йилнинг декабри ойида қонун янги тах-рирда қабул қилинди ва у ҳозирги кунда фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳал қили-нишининг ҳўқуқий асосларини белгиллаб берувчи асосий нор-матив ҳўжатлардан бири бўлиб келмоқда.

Бу масалани ижобий ҳал этишда бир қатор давлат органлари, ташкилот ва тузил-малар қатори прокуратура органларининг олдиға ҳам му-ҳим вазифалар қўйилган бўлиб, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширил-ди. Жумладан, 2013 йилнинг ўтган даврида шаҳар прокура-турасига 20 минг 877 та муро-жаат келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 2,3 фоизга камайган. Шу билан бирга, фу-қароларни қабул қилиш 190 таға ошган.

Шундай бўлса-да, ҳойлар-даги давлат бошқарув орган-лари, турли ташкилотлар, на-зорат-текширув органлари, солиқ, банк идоралари ва ма-ҳаллий ҳокимликлари томонидан мурожаатларға ўз вақтида жа-воб бермаслик, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини бу-

зиш, айниқса, тадбиркорлик субъектларига турли бюрократ-ик тўсиқлар яратиш, улар фа-олиятиға асоссиз аралашиш каби қонунбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Жумладан, Юнусобод тумани 11-мавзе, 3-ўйда истиқомат қилувчи фу-қароларнинг ертўладаги иссиқ сув қувурлари яроқсизлиги ҳақидаги мурожаати туман ҳокимлигиға 2013 йил 30 ап-релда келиб тушган бўлиб, унинг ижроси ҳокимнинг би-ринчи ўринбосарига топши-рилган. Аммо етарли назорат олиб борилмаганиға сабабли аризачиларға жавоб хати му-ддатга ўтказилиб жўнатилган. Ачинарлиси, бу каби қонунбу-зилиш ҳолатларига туманда-ги С.Раҳимов кўчасида яшов-чи фуқароларнинг аризаси (50 кун), 8-мавзе, 2а-ўйда истиқо-мат қилувчи фуқароларнинг мурожаати (39 кун), фуқаро Ф.Раматовнинг мурожаати (53 кун) бўйича ҳам йўл қўйилган. Бундан ташқари, туман ҳоким-лигининг масъул ходимлари томонидан "Фуқароларнинг му-рожаатлари тўғрисида"ги Ўз-бекистон Республикаси Қону-нининг 17-моддасида назарда тутилган талабларға риоя қилинмасдан, мурожаатлар ҳал этиш ваколат доирасиға кир-майдиган давлат идораларига юборилган.

Текшириш яқунларига кўра, туман прокуратураси томони-дан ҳокимнинг биринчи ўрин-босарига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, у жарима жазоси-ға тортилди. Шунингдек, туман ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда девонхона мудирига нисбатан интизомий жавобгар-лик тўғрисида ишлар қўзғати-либ, туман ҳокими номига тақ-димнома киритилди.

Учтепа туманида ўтказилган текширишда эса жорий йил-нинг биринчи чорағида фуқа-ролардан тушган 309 та муро-жаатдан 15 таси умуман ҳал этилмаганлиги аниқланган ва бу билан қонуннинг 12-модда-си талабларини бузган туман ҳокимининг биринчи ўринбо-сари ҳамда ўринбосари маъ-мурий жавобгарликка тортил-дилар.

Умуман олганда эса, жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар прокуратураси органлари то-монидан фуқароларнинг муро-жаатлари тўғрисидаги қонун-чилик ижроси юзасидан жа-ми 30 тага яқин текшириш ўткази-либ, натижаларига кўра 25 та тақдимнома киритилган. 51 на-фар шахс интизомий, 15 нафа-ри эса маъмурий жавобгарлик-ка тортилган. 2 та жиноят иши қўзғатилиб, 15 нафар фуқаро-нинг бузилган ҳўқуқлари тик-ланган.

Бундан ташқари, солиқ, ва-люттаға оид жиноятларға ва жи-ноий даромадларни легаллаш-тиришға қарши курашиш де-партаментининг Тошкент ша-ҳар бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти ва Ва-зирлар Маҳкамасининг қарор-лари ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари талаб-ларининг ижро этилиши, солиқ ва валюта соҳасидаги, шунингдек, яширин иқтисодиёт билан бо-ғлиқ жиноят ва ҳўқуқбузарлик-ларни аниқлаш, олдини олиш, қўшимча ҳисобланган солиқ, қўлланилган молиявий ва маъ-мурий жарималарнинг ундири-лиши, давлатға етказилган бошқа иқтисодий зарарларнинг

қопланиши юзасидан тегишли назорат тадбирлари олиб бо-рилмоқда. Жумладан, соҳада ўтказилган текширувларнинг натижаси бўйича аниқланган қонунбузилиш, уларнинг ке-либ чиқиш сабаблари ва бун-га имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида 80 та тақдимнома киритилиб, 95 нафар шахс ин-тизомий жавобгарликка тор-тилган. 108 млн. 657 минг сўм миқдордаги зарарни ундириш юзасидан судларға 34 та даъ-во аризалари киритилиб, 70 нафар шахснинг бузилган ҳўқуқлари тикланган.


Пойтахт прокуратураси то-монидан шаҳар ҳудудида воя-ға етмаганларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини таъминлашға қаратилган қонунлар ижроси-ни назорат қилиш, Бош про-курорнинг 2011 йил 14 июнда-ги "Вояға етмаганлар ҳақида-ги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратини яна-да кучайтириш тўғрисида"ги 92-сонли буйруғи талаблари ижросини таъминлаш мақса-дида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Хусусан, Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояға етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг тақлифи асосида "Биз Прези-дент фарзандларимиз!" шио-ри остида "Мутахассислик сайли" лойиҳасини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тўғриси-да 2013 йилнинг 12 апрелида Тошкент шаҳар ҳокимининг алоҳида фармойиши қабул қилинди.

Мазкур фармойиш ижроси-ни таъминлаш мақсадида жо-рий йилнинг 23-27 апрел кун-лари пойтахтнинг барча ту-манларида умумтаълим мак-таблари, академик лицей ҳамда касб-ҳўнар коллежлари битирувчилари учун тегишли тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, 3-4 май кунлари "Алишер Навоий" номли мил-ли богда бўлиб ўтган "Мута-хассислик сайли"да академик лицей ҳамда касб-ҳўнар кол-лежларининг 34 минг 19 нафар битирувчилари ва маҳалла-лардан меҳнатға лаёқатли бўлган 4 минг 278 нафар иш-сиз фуқаролар иштирок этиб, унда пойтахтдаги 27 та олий ўқув юртлари томонидан таъ-лим йўналишлари, мутахас-сисликлар, муассасанинг аф-заллик томонлари ва ютуқла-ри, талабаларнинг маданий ва ижтимоий ҳаёти каби масала-ларни ёритувчи кўргазма таш-кил этилди.

Сайл якуниға кўра иштирок-чилардан 7 минг 770 нафари-ға мутахассисликлари бўйича маслаҳат, 918 нафариға эса ишға йўлланмалар берилди.

Хулоса ўрнида Юртбоши-мининг қуйидаги фикрлари-ни келтириб ўтиш ўринли бўлса керак: "Қонун устувор-лигини таъминлаш, шахс, оила, ҳаёмиёт ва давлатнинг ҳўқуқ ва манфаатлари муҳофа-засини кучайтириш, аҳолининг ҳўқуқий маданияти ва ҳўқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунға бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш бу ривож-ланган бозор иқтисодиётиға асосланган чинакам демо-кратик, ҳўқуқий давлат ва эр-кин фуқаролик ҳаёмиёт қуришининг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг му-ҳим шарти ҳисобланади".

Саҳифаларда Тошкент шахри



Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун ҳимоясида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қомусий ҳужжатир. Конституциянинг 43-моддасида "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди", деб белгилаб қўйилган.

Ана шу конституциявий нормалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида белгиланган талабларни ҳаётга татбиқ қилиш жабҳасида прокуратура органлари, шу жумладан, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдан иборат масъулиятли вазифаларни бажаришга қаратилган муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳар прокуратура органлари томонидан маъмурий йўналишда ўтказилган 235 та тадбир натижасига кўра, протестлар келтириш йўли билан 219 та ноқонуний ҳужжатлар қонунга мувофиқлаштирилди. Ваколатли органларга 335 та тақдимнома киритиш орқали қонунбузилишларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Маълумки, ҳар қандай қонунбузилиш ҳолати бунга йўл қўйган шахснинг жавобгарлиги масаласини кўриб, ҳал қилинишни тақозо этади. Қонунбузилишларнинг олдиди олиш мақсадида 1089 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилиб, прокурорларнинг қарор ва тақдимномаларига мувофиқ 782 нафари интизомий, 318 нафари маъмурий ва 20 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Қонунбузарликлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш чоралари кўрилиб, 45 млн. 978,1 минг сўмлик зарарни ундириш хусусида судларга 865 та даъво аризаси киритилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 84 та жиноят иши кўзга тилиб, 1105 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бугунги кунда аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда, пухта ишланган дастурлар бўйича ижтимоий муҳофаза қилиш, бунда аҳолининг бандлик даражасини ошириш, ёшларни касб-ҳунарга жалб қилиш, қолверса, маҳаллаларда оилавий бизнесни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, шаҳар прокуратураси ташаббуси билан ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий

ҳаракати ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мунтазам равишда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ва бошқа хайрли тадбирлар ўтказиш ҳам аъёнага айланиб бормоқда.

Пойтахт туманларидаги 373 та маҳаллада шу кунга қадар 186 маротаба "Ишга жойлаштириш куни" ташкиллаштирилди. Турли корхоналар ўзларида мавжуд бўлган 17 мингга яқин бўш иш ўринлари билан иштирақ этган ушбу тадбирларга 7200 дан ортиқ фуқаро жалб қилинди. Улардан 4055 нафарига ишга жойлаштириш учун ва 27 нафарига касб тайёрғарлигига йўлланмалар берилган, 3131 киши ишга жойлашиб, 3163 нафар фуқаро ўзларини қизиктирган масалалар бўйича маслаҳатлар олганлар.

Меҳнат ва бандлик тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан самарали назорат ишлари ҳам амалга ошириб келинмоқда. 2013 йилнинг ўтган 7 ойи давомида Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда меҳнат ва бандлик масалаларини тартибга солишга қаратилган бошқа қонунлар ижроси бўйича ўтказилган текширувлар натижасига кўра 940 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 27 та тақдимнома киритилди, 60 та протест келтирилиб, 34 нафар шахсга нисбатан интизомий, 74 нафарига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўзга тилиди. Судларга 1 млрд. 388,7 млн. сўмлик, асосан иш ҳақи тўлаб берилмаганлик ҳолатлари бўйича 768 та ариза киритилиб, 1036 нафар фуқаронинг ҳуқуқи тикланди.

Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ўтган давр ичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид масалалар юзасидан жами 1340 та ариза ва шикоятлар ҳал қилинган бўлиб, шулардан 288 таси қаноатлантирилган, 212 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланган. Жумладан, "Ро-

Равшан ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи

бия қурилиш сервис" МЧЖ томонидан корхона ишчиларига иш ҳақи тўлаб берилмаётганлиги ҳақида Тошкент шаҳар прокуратурасига мурожаат қилган фуқаро Й.Рустамовнинг аризаси бўйича текшириш ўтказилди. Текширишда аниқланишича, жамият раҳбарияти зарур чораларни кўрмаганлиги оқибатида Й.Рустамов ва бошқалар (жами 7 киши)га 2 млн. 200 минг сўмлик иш ҳақи тўланмай, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган. Текшириш натижасига кўра, фуқаролар ишлари бўйича Шайхонтохур туманларо судига Й.Рустамов ва бошқаларнинг манфаатларини кўзлаб, 2 млн. 200 минг сўмлик иш ҳақини ундириб бериш хусусида ариза киритилди. Шунингдек, қонунбузилишга йўл қўйган МЧЖ раҳбари Ш.Раҳимовни маъмурий жавобгарликка тортиш чораси кўрилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Фуқаро П.Шелестова бўлса ўз мурожаатида Юнусобод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбарияти томонидан унинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари бузилаётганлигини баён қилган. Аниқланишича, бўлим мутасаддилари томонидан, гарчи ушбу муассасанинг бунга ваколати бўлмаса-да, фуқаро П.Шелестованинг собиқ турмуш ўртоғи Д.Тарақановнинг мурожаатига асосан Ер реурслари ва кадастр бошқармасига ариза муаллифига тегишли шахсий квартирага нисбатан олди-сотида ва бошқа шу билан боғлиқ нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишини тақиқлаб қўйиш ҳақида ҳал қўрилган. Натижада П.Шелестованинг шахсий мулкига ноқонуний равишда тақиқ қўйилиб, унинг ҳуқуқлари бузилган.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан киритилган тақдимномага асосан йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф қилиниб, П.Шелестованинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.


Бу каби чора-тадбирлардан асосий мақсад — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш орқали эл-юрт раванқига муносиб ҳисса қўиш билан бирга, қонун устуворлигини таъминлашдир.

Ижтимоий таъминот доимий назоратда

Юртимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий

ҳимоя сиёсати барча аҳоли қатламларининг, жумладан, кам таъминланган оилаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Ўтган йилларда амалга оширилган, яъни аҳолининг молиявий жиҳатдан кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган саяё-ҳаракатлар мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохотларнинг устувор йўналиши бўлди, десак муболага бўлмайди. Ушбу масала Ҳамза туман прокуратураси томонидан алоҳида назоратга олинган бўлиб, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига путур етказиладиган ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар кўриб боришмоқда.

Ҳамза туманида 70 минг 787 нафар аҳоли истикомат қилади. Шундан 1578 та оила кам таъминланган, 33 892 таси 16 (18) ёшгача болали оилалар, 5379 таси 2 ёшгача болали оилалар ҳисобланади.



Худудда аҳолининг ижтимоий муҳофазасига доир қонунлар ижроси устидан прокурор назорати доирасидаги текширувлар амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлигини ҳам кўрсатди. Жумладан, жорий йилнинг апрель ойида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш, оилаларнинг давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишига алоҳида эътибор берган ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида текшириш ўтказилди.

Тумандаги 18 та маҳалла фуқаролар йиғини томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш қонунийлиги ўрганилиб, шундан 9 та маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 18 та оилага жами 5 млн. 529,4 минг сўм маблағлар ноқонуний тайинланиб, тўлаб юборилганлиги аниқланди. 2 млн. 610 минг сўмлик етказилган зарарнинг ихтиёрий қоплалиши таъминланди.

Прокуратуранинг аралашуви билан 6 та ҳолатда ноқонуний тайинланган нафақалар

Хурийд ЖАЛОЛОВ,
Ҳамза туман прокурори

нинг тўланиши тўхтатилиб, жами 2 млн. 373 минг сўмлик бюджет маблағлари ноқонуний сарфланишининг олди олинди.

Умуман олганда эса, туман прокуратураси томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан 2013 йилнинг ўтган даври давомида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 3 та тақдимнома киритилди. 4 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилиб, судга 2 та даъво аризаси киритилди.

Туман прокуратурасига жорий йилнинг етти ойи давомида ижтимоий ҳимоя масалаларига доир фуқаролардан 25 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 11 таси қаноатлантирилиб, 3 та тақдимнома киритилди. Ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган 5 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка

тортилди, судга 1 та даъво аризаси киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши кўзга тилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди. Жумладан, фуқаро Т.Дедованинг Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ҳамза туман бўлими томонидан қайноқасининг вафоти муносабати билан дафн этиш учун нафақа тўланмаганлиги ҳақидаги аризаси кўриб чиқилганда,

бўлимнинг масъул ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни талаблари бузилганлиги маълум бўлди. Т.Дедованинг аризаси ва ҳужжатлари 2012 йил 13 июнда пенсия ва нафақалар тайинлаш гуруҳи инспектори Б.Кастиев томонидан қабул қилиб олинган бўлса-да, қонунда белгиланган ўн кунлик муддатда кўриб чиқилмасдан, бир ойдан сўнг нафақа тайинлаш ведомостига Е.Дедованинг ўрнига И.Ткачева фамилияси киритилган.

Аризани кўриб чиқиш якуналарига кўра, Т.Дедовага нафақа пулининг тўланиши таъминланиб, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармасига тақдимнома киритилди. Хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган икки нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

Туман прокуратураси томонидан соҳага масъул бўлган шахсларнинг масъулиятини ошириш чоралари кўрилиб, бу борада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қонунда белгиланган тартибда тегишли прокурор назорати ҳужжатларининг қўлланили борилиши таъминланмоқда.

Озод юртга обод турмуш ярашади

Инсон ҳаёти орзу-умидлар, эзгу ниятлар ва уларнинг рўёби йўлидаги сай-ҳаракатлардан иборат. Ҳар бир юрт, ҳар бир мамлакат эса, келажақ сари олинлаб бораркан, ўз омига мўй-айян гоё ва мақсадларни қўяди. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатдан юксалиш, халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, фаровон келажақни яратиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Бироқ бу борада ҳамма давлатлар ҳам ўзи кўзлаган марраларга етарамайди. Бунинг учун энг аввало, ўз тараққиёт йўлини тўғри белгилай олиш ва ана шу йўлдан огишмай, қатъият билан илгарилар зарур. Бугун қуран заминда икки юзга яқин давлат мавжуд бўлса, улар орасида ривожланган мамлакатлар бармоқ билан санақли.

Б у жиҳатдан ўз мустақиллигини қўлга киритганига эндигина йигирма икки йил тўлаётган Ватанимизда жаҳон ахли ҳавас билан боқибатгани бор гап. Боиси, кўҳна тарих учун оний вақт ҳисобланган мана шу давр мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган улкан ҳажмдаги ислохотлар самараси туфайли дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқдамиз. Диёриямиздаги тинч ва тотув, фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги бунёдкорона меҳнат, мустақил юртилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, энг асосийси, биз танлаб олган ўз йўлимиздан огишмай, қатъият билан, дадил одимлаётганимиз эришаётган салмоқли ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда.

Қувонарлиси, онгу тафаккуримизда ҳам мутлақо янгича дунёқарашни шакллантирган истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улугъ неъматининг ҳаётимизда тутган ўрни ва қадрини ватандошларимиз бугун янада тирак идрок этмоқдалар.

Зеро, ўз тақдиримизни ўзимиз белгиллаш ҳуқуқини, эркин ва озод ҳаётни, ҳуриятни осонликча қўлга киритганимиз йўқ. Мана шу ўту мураккаб йўлда танимдан қанча захмату машаққатларга дучор бўлиб, оғир синовларни бошдан кечирганимиз тарихий ҳақиқат. Мухтарам Президентимизнинг маънавий жасорати ва матонат, қатъият, меҳнаткаш халқимизнинг мустаҳкам иродаси ва фидо-

йилиги туфайли танлаган йўлимиздан ортга чекинмаганимиз учун бугун озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамиятда муносиб яшаймиз. Жаҳон ҳам-жамиятининг ҳақиқий эътирофи-га сазовор бўлган бундай улғувор янгиланишлар мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ тараққиётнинг "ўзбек модели"ни белгилаб олиб, аниқ мақсад қўлиб, қурулган ислохотларни ҳаётга изчил жорий этишга йўналтирилган оқилона сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Йигирма икки йилдики, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, қучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил сай-ҳаракатлар олиб бормоқдамиз. Албатта, бунда асосий моҳият ҳуқуқ устуворлигига, қонун олдида ҳамманинг тенглиги принциплари ҳамда ҳокимиятлар тақсимланиши таъминлиги таянчларидан давлат бошқарувида қаратиб келинмоқда.

Шу боис мамлакатимизда миллий қонунчилик тизимини такомиллаштиришга қаратилган эътибор босқичма-босқич, тадрижий равишда давом эттирилмоқда. Бинобарин, барча соҳаларда амалга оширилаётган туз ислохотлар негизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишдек эзгу мақсадлар муккасман. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз халқро ҳуқуқий меъёрлар билан уйғунлашгани алоҳида аҳамиятга моликдир.

Шу маънода, йигирма икки йиллик тантанасини нишонла-

ётган мустақил мамлакатимизнинг халқро майдондаги нуфузи, обрў-эътибори ортиб бораётганлиги ҳар бир ватандош-мизнинг кўксини осмон қадар юксакларга кўтарди.

Ҳа, инсон манфаатлари устувор бўлган жамиятимиз тараққиёти беш тамойил асосидаги изчил ислохотлар туфайли беқиёс марраларга юз тутди, ўзгаларнинг ҳавасини келтирадиган даражада камолотга эришди. Энг муҳими, юртимизда тинчлик ва оқилоллик ҳукмрон, ҳар жаҳада бунёдкорлик, яратиш, яшатиш, ободлик завқи ўзгача.

Жаҳондаги баъзи давлатларни кузатинг-а! Бутун умри урушларга таҳликалар остида ўтаётган халқлар қамми? Турли талотўллар, ғавғоларга тўла айрим давлатларда яшаётган одамларнинг энг қатта орузси — ўз уйида тинчгина яшаш экани айримларга балки эриш туюлар?! Аммо бугунги кунни хотиржамликда ўтганига шукр қилиб яшайдиган, эртаси ҳақида бирор тасавури бўлмаган минглаб инсонларнинг борлиги аччиқ ҳақиқат. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, озод ва тинч Ватанимизда хотиржам ўтаётган умримизнинг нечоғли қадри эканини дилдан ҳис қиламиз. Зотан, Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридида ёзилганидек, "Агар биз ахил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч қим ҳеч қачон енга олмайдим".

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда бизнинг халқро муносабатлардаги фаол ташқи сиёсатимизнинг асоси — Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидир. Ана шу манфаатларни рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай давлат билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва тинчликпарвар ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қучайтириш пировард мақсадимиздир. Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида доимо тинчлик тарафдори бўлиб келган ва турли хил низоларни тинч йўл билан ҳал этиш бора-сида қатор эътиборга молик ташаббусларни дунёнинг нуфузли минбарларидан туриб эълон қилган. Ана шу тинчликпарвар

сиёсат бундан буён ҳам изчил давом этаверади. Зеро, оқилоллик ва осуда элга байрамлар ярашади. Юртимизда ҳукм сураётган ана шундай барқарор тинчлик, бунёдкорлик, яратиш ва яшатиш завқи боис кўнглимизга байрамлар сифади.

Бугун биз барча соҳаларда қўлга киритаётган залворли муваффақиятлар, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётгани миллий истиқлол-мизнинг навқирон санасини кўтаринки кайфият билан қарши олишимизда муҳим аҳамият касб этади.

"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шiori остида республикамизнинг барча кенту қишлоқларида ўзгача шоду хушрамлик билан нишонланаётган байрам тантаналари кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтардиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда ўтаётгани мустақилликнинг нақадар улур инъом эканлигини яна бир бор кўз ўнгимизда намоён қилмоқда.

Яна шунини алоҳида эътироф этиш жоиз, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрь кунин Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, илгари сурилган гоғлар ва фикр-мулоҳазалар, қонунчилик ташаббуслари, энг аввало, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг бунданда фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни тараққий этган илғор демократик мамлакатлар қаторига олиб чиқиш мезонларига таянади.

Таъбир жоиз бўлса, мазкур

Шухрат ДЕХҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати

концепция йигирма икки ёшини қарши олаётган навқирон Ўзбекистон келажагини мутлақо янги тараққиёт босқичларига олиб чикувчи юксак тарихий аҳамиятга эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда баён этилган қоидаларни ҳаётга жорий этиш, тақлиф этилган қонунларни амалиётга киритиш мамлакатимизнинг халқро ҳамжамиятда ҳеч қимдан кам бўлмаган мустақил давлат сифатидаги обрў-эътиборни янада мустаҳкамлашишига хизмат қилади.

Бинобарин, биз учун жонажон Ватанимизнинг миллий манфаатлари ҳар нарсадан устун экан, бу йўлда бир ёқадан бош чиқариб, ҳамфикр ва ҳамжиҳатликда изчил сай-ҳаракатларни амалга оширсак, кўзлаган дастурий ва стратегик мақсадларимизга, албатта, эришамиз. Янги ютуқ ва муваффақиятларимиз эса, миллий мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик тўйига муносиб тўйна бўлади.

Алалхусус, Ватанимиз равиш, юртимиз оқилоллик-ю истиқболимизнинг нурафшон бўлиши ҳар биримизга боғлиқ. Фақат атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмай, ҳар қандай вазиятга синчков муносабатда бўлиб яшаш фуқаролик бурчимиздир. Ўз уйимиз, маҳалламиз, шаҳримиз ёки қишлоғимиз, умуман, бутун диёримизнинг тинчлиги ўз қўлимизда. Дарҳақиқат, бундай жаннатмонанд юрт дунёнинг ҳеч бир ерида топилабди. Зеро, Она Ватанини қў қорачиғиди асрашга, қамизга оғоҳ бўлишга, эзгуликка, дунёни биллишга, ўзгиллигини асрашга, қолаверса, инсон деган улугъ номга муносиб яшашга интилишимиз зарур. Бу порлоқ эртанимиз учун, фарзандларимиз камоли учун ҳам керак. Зеро, озод юртга обод турмуш ярашади...

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим масалалар

/Давоми. Бошланғич 1-бетдан/

Ўқирмон ДЕХҚОНОВ,
«Huquq»

Бундан ташқари, мазкур корхона минтақа иқтисодиётига, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигига жуда катта зарар етказайтир. Сенаторлар томонидан Олий Мажлис Сенатининг "Талко" ДУК чикиндиларининг одамлар соғлиғига ва табиий муҳитга салбий таъсирини бар-тароф этиш ҳамда қамайтириш, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича шоишлин чораларни кўриш, ушбу муаммони ҳал қилишга манфаатдор экологик ташкилотлар, БМТнинг тегишли ташкилотлари, мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматлари имкониятларини жалб этишни назарда тутадиган қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар "Гаров реестри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар. Ушбу қонун кредитларни расмийлаштириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, гаров муомаласига қўнар мол-мулкни киритиш ҳамда тижорат банклари-нинг мол-мулкни гаровга олиб кредитлаб бериш вақтидаги таваккалчиликни қамайтириш ҳисобига кичик бизнеснинг кредит воситасида молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни назарда тутди. Таъкидланганидек, бу қонуннинг қабул қилиниши республика-мизда ишбилармонлик муҳитининг янада яхши-

ланишига замин ҳозирлайди.

Шу аснода сенаторлар икки кун давомида "Одамнинг иммунитет тангислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги, "Мувофиқлини баҳолаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини ҳам қўриб чиқдилар.

Бундан ташқари, сенаторлар ўзларининг конституций воялотларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Сенатнинг ялпи мажлисида 9 та масала, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган 4 та қонун қўриб чиқилди.

Юқоридиги барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қўнўнбузилиши, бюрократик тўқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни деталлаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефон" рақамларига ёки «007» қисқа рақамга қўнғирок қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДҚК департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадар вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мунозафаларини қуна-лик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Ҳаётда биз тўқнаш келадиган баъзи бир масалалар ва ҳолатлар моҳиятан бир-бирига ўхшамаса-да, уларнинг кўзга ташланмайдиган туташ томонлари бор. Инсоннинг ҳаётини тажрибалари буни тўғри англаш имконини беради. Ҳар қандай билим эса тажрибанинг маҳсулидир. Шу боис ҳам, Мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ёш авлодга билим бериш, унинг тарбиясига жамий эътибор билан қараш, бу борада ҳаттога йўл қўймаслик, таълим ва тарбияни узвий боғлиқ ҳолатда олиб бориш зарур.

Фарзандларимизнинг бахти шундаки, улар аждодларимиз асрлар давомида орзу қилган эркин замонда яшашмоқдалар. Бугун давлатимиз миқёсида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ёш авлодни буюк келажак сари етаклаш, ўғил-қизларимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, комил инсон бўлиб вояга етишига имконият яратиб беришдек улғувор гоё ётади. Ҳаётнинг моҳияти ҳам, таълим ва тарбиянинг туташ томонлари ҳам ана шунда муҳасамма, десак хато қилмаган бўлаемиз. Шу боисдан ҳам, муҳтарам Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданок асосий эътиборини ёшлар тарбиясига, уларнинг ҳар томонлама билим олиб, комил инсон бўлиб етишишга, оилаларда маънавий муҳитнинг ва соғлом турмуш тарзининг барқарорлигига қаратиб келмоқда.

Яшашдан мақсад нима? Албатта, бу саволга дафъатан жавоб бериш қийин. Ўйлаб қоласиз: балки бундай дам-

Қудратли ботиний куч

Шерали АШИРОВ,
Шаҳрисабз туман прокурори

да ўз ҳаётингиз ва умрингиз давомида қилган ишларингиз кўз ўнгингиздан ўтар. Балки тафаккур дурдоналари билан оламни ҳайратга солган улғу аждодларимиз ҳаётингизга келадди. Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Улугбек каби яшасанг, инсониятга ҳаёт учун зарур илм-фан кашфиётларини қолдирсанг, деб орзу қиласиз. Яшашдан мақсад нима эканлигига жавоб топгандай бўласиз. Шунда ногоҳ ўз фарзандларингиз кўз ўнгингиздан ўтади. Ўғил-қизларингизнинг ўқиши, илм олиши, ўзи истаган касб-хунарни эгаллаши, олий маълумотли бўлиши ва ниҳоят эл-юрт хизматида камарбасталик қилиши учун ҳамма имконият бор. Замонавий қонунлар, академик лицейлар, компьютерлашган ўқув хоналари, олий ўқув юрти даргоҳлари ёшлар ихтиёрида. Фақат ўқиш, ўрганish, назария билан амалиётни узвий боғлаб олиб бориш, тажрибаларни ҳаётга татбиқ этиш, қисқа қилиб айтганда, ўзликини илм-фанга, ҳалқ ва давлат ишига бағишлаш керак. Муҳтарам Президентимизнинг "Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан", деган сўзларини ҳаммаша ёдда тутмоғимиз керак.

Президентимиз таъкидлаган қуд-

ратли ботиний кучнинг ҳар бир инсон қалбида, хусусан, ёшларимизнинг онги ва шуурида намоён бўлиши, яъни уларнинг виждони уйғок, қалби тоза, маънавий пок, ички олами бой бўлиб вояга етишлари мамлакат саноҳиятини оширади, халқимизнинг ҳаётини янада юксалтиради.

Агар биз маънавий бойликка интилиб яшамасак, моддий бойликлар яратиш йўлидаги уринишларимиз яхши самара бермайди. Бу тарихий ҳақиқат. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида бу масалага атрофлича тўхталиб, комил инсон тарбияси билан боғлиқ жуда муҳим ғояларни илгари сурди. Модомики, юксак маънавият енгилмас куч экан, биз ана шу кучга эга бўлишимиз, ҳар биримиз уни ўз вужудимизда ҳис этмоғимиз жоиз.

Биз мақоланинг бошланиш қисмида баъзи бир ҳолатлар моҳиятан бирига ўхшамаса-да, уларнинг туташ томонлари мавжудлиги тўғрисида фикр билдирган эдик. Энди шу фикрнинг давоми сифатида саводсизлик, маданиятсизлик, ахлоқсизлик билан жиноят ўртасидаги боғлиқлик, яъни бу ҳолатларнинг кўзга кўринмас туташ томонларига эътиборни қаратайлик. Аввало шунга айтиш лозимки, билим олишга ва ўзининг маънавий оламини бойитишга интилмаган одам бошқаларга нисбатан жиноят оламига яқин бўлади. Ўз навбатида бу жоҳиллик билан боғлиқ. Саводсизлик

жоҳилликдир. Жоҳиллик билан жиноятнинг ораси бир қадам. Жоҳил сал нарсаси тутақиб кетади ва бир оғиз яхши гап билан ҳал қилиш мумкин бўлган ҳолатни ёки зиддиятни катта жанжалга айлантиради. Агар унинг рақиби ҳам жоҳил бўлса, иш ИИБ, прокуратура ва суднинг аралашуви билан тугайди. Маданиятсизлик ва ахлоқсизлик ҳам бир-бирига эш ва худди саводсизлик каби жиноятга йўлдош.

Бундан кўринадики, ҳар бир саводсиз, маданиятсиз ва ахлоқсиз одамдан бирон-бир жиноят кутиш мумкин экан-да, деган хулосага боришнинг мумкин. Йўқ, масалага бундай қарамаслик керак. Эстани кўзга кўриб қолган чўғни бир тасаввур қилинг. Чўғ кул остида тинчгина ётади, лекин унга бир даста чўп-хас ташласангиз, аланга олиб ёниши ва катта ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин. Билимли, ички олами бой, маънавий баркамол кишилар эса бир даста "хас-хашак"дан ловуллаб кетмайдилар. Улар ўйлаб кўрадилар, вазиятга тўғри баҳо берадилар, аризмас иқри-қикри учун ҳаётларини барбод этмайдилар. Қудратли ботиний куч бунга йўл қўймайди. Мустақиллик халқимизга ана шундай куч бағишлаган олий нозматдир.

Жамиятнинг муҳим бўғини

Бош Қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисоблангани ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида эътироф этилган бўлиб, бугунги кунда оилаларда соғлом турмуш тарзи таъминлашнинг кенг қарор топтириш, аҳоли саломатлигини асраш, айнқиса, оналар ва болалар соғлигини таъминлашга зарур шарт-шароитлар яратилган.

Шунингдек, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш масаласига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йиллар давомида сезиларли иқобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролар даромадини қўпайтириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тadbиркорлик, касаначилик, хунарамандчиликни ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, мақсадли давлат дастурлари ҳаётга татбиқ қилинди.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида мамлакатимизда 3,3 миллион оила биринчи марта ер участкаларига эга бўлди. Томорқа участкаларининг ўртача ҳажми эса 20 сотихдан ордин.

1998 йилнинг "Оила йили" деб эълон қилиниб, оила манфаатлари учун барча манбалар бўйича 144,8 млрд. сўм маблағнинг ажратилиши, ушбу маблағнинг деярли ярми давлат бюджетидан қопланганлиги ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилди. 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши эса, юртимизда жамиятнинг асоси бўлиши оила институти янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар

томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш ва шакллантиришга қаратилгандир. Шунингдек, Ўртбошимизнинг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори эълон қилиниб, келгусида амалга ошириладиган энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, 1998 йил 1 сентябрдан амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш бўйича конституциявий нормаларга асосланган бўлиб, унинг асосий мақсади оилани мустаҳкамлаш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг манфаатини қўриқлаш, вояга етмаган болалар ҳамда меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоя қилишнинг устунилигини назарда тутиш ҳисобланади.

Дарҳақиқат, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оиланда пайдовор қўйилади. Оиланда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Шунинг баробарида оиланинг мустаҳкам бўлиши кўп жиҳатдан оила қураётган икки ёшнинг саломатлиги, маънавий фазилатлари, оила ва жамият олдидagi бурч ва мажбуриятларни қўқур англаб етишига боғлиқ бўлади. Оила

мустаҳкам бўлсагина жамият тараққий этади.

Шундай экан, эр-хотин муносабатларини тартибга солишчи умуминсоний қадриятлар, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор, оилага садоқат асосида оила муқаддаслигини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Оилада соғлом муҳитни яратиш, оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор ҳам бундай хайрли ишларнинг узвий бир бўлаги ҳисобланади. Кейинги пайтларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох этиш ва ривожлантириш борисида олиб борилаётган аниқ чора-тадбирлар сўнгги ўн йилда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Натижада ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий ҳавфи катта бўлган касалликларга қалиниш ҳолатлари бир неча баробарга қайтади. Шунингдек, хотин-қизларни ҳар йили тиббий қўриқдан, скрининг текширувидан ўтказиш одат тусини олмоқда. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси салкам юз фоизни ташкил этётгани ҳам ўз навбатида, оила аъзоларининг саломатлигини асрашда муҳим рол ўйнамоқда.

Кези келганда яна бир муҳим жиҳатни қайд этиш ўринли. Маълумки, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ҳамда тadbиркорлик субъектларининг ўрни беқийс бўлиб, айнқиса, сўнгги йилларда уларнинг фаолиятларини ривожлантириш бугуннинг энг долзарб масалалари-

дан бирига айланди. Шу боис ҳам, мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг натижаси ўларок, яратилаётган имконият ва имтиёзлардан ўринли фойдаланаётган тadbиркорларимиз эришаётган ютуқлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини намоён этишда асосий омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да бугунги кунда кичик бизнес ва тadbиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгиллаб қўйиш вақти келганлиги алоҳида таъкидланган эди. Шунингдек, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юриштида юзага келган миллий анъаналаримизга, ҳўжалик юришти фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши, янги иш ўринларининг очилишига шароит тугилиши қайд этилган эди. Дарҳақиқат, оила даромади барқарор бўлса, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурса, юрт обод бўлади, мамлакат тараққий этади.

Олий Мажлис Сенатининг янги мажлисида "Оилавий тadbиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси

Ботир ИРИСМЕТОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурори
ўринбосари

Қонуни маъқуллангани бу борада муҳим қадам бўлди. Зеро, бу қонун мамлакатимизда оилалар фаровонлиги ва барқарорлигига, уларнинг мустаҳкамлигига хизмат қилди.

"Оилавий тadbиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг асосий мақсади — оилавий тadbиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унга қўра, оилавий тadbиркорлик — оилавий қорхона томонидан амалга ошириладиган, таваққал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир. Шунингдек, оилавий тadbиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий қорхонага кичик тadbиркорлик субъекти мақомининг берилиши, ў тўлиқ фирма номига эга бўлиши, уларнинг иқтисодиётда тенг ҳуқуқ асосида эркин фаолият юритишига кенг йўл очади.

Хулоса ўрнида айтганда, Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" номи асарига таъкидлагандек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминладиган маънавият қўргони бўлиши оилани мустаҳкамлаш, соғлиғи ҳақида қайғуриш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиз ҳам эканлигини, соғлом оиланда ҳар томонлама етук, баркамол фарзандларни вояга етказишга ҳар биримиз масъул эканлигини бир дақиқа бўлсин ёдимиздан чиқармаслигимиз шарт.

Тажриба, билим ва қатъият

Мамлакатимизнинг ёруғ истиқболи кўп жиҳатдан юксак маалаки мутахассислар тайёрлаш билан бевосита боғлиқ. Айниқса, ёшларимизда мустақил фикрлаш ҳамда кенг дунёқарашни шакллантириш, уларни ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашига ўргатиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири.

Юртимиз бўйлаб ёшларни Оналтиришга меҳр-мухаббат руҳида тарбиялаш, уларни ёт гоғлардан асраш, истиқлолнинг Ватанимиз тарихи, халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кенг омага етказишга қаратилган "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримиз, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Республика харбий прокуратураси ташаббуси билан Самарқандда ўтказилган семинар ҳам ана шу эзгу ниятни ўзида муҳассас этган ҳолда ташкил этилди. Унда республика харбий прокуратураси органларида хизматни ўтаб келаётган ёш мутахассислар, вилоят прокуратурасининг масъул ходимлари, Самарқанд Давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, Х.Сулаймонова номидаги республика суд-экспертиза марказининг вилоятлар бўлими ва вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси экспертлари, Мудофаа вазирлиги тизимидаги харбий қисм ва муассасаларнинг мутахассислари ҳамда

ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Президентимизнинг жорий йил 12 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун муҳим дастур бўлиб хизмат қилаётди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган тарихий қисқа вақт мобайнида конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга табиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг дунё харитасидан ўрин эгаллаганига унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, мамлакатимиз мудофаа тизими мустаҳкамлаш, хавфсизлигимизни таъминлашга қодир бўлган қудратли, профессионал армияни шакллантириш борасида улкан муваффақиятларга эришилди. Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юрти-

мизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, бу каби саъй-ҳаракатлар Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, армиямиз қиёфасини тубдан ўзгартирди. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Харбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва харбий хизматга нисбатан ёндашув бутунлай ўзгарди. Халқимиз, биринчи навбатда, ёшларимиз ўртасида харбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражада кўтарилди. Эндиликда харбийда хизмат қилиш, наинки конституциявий бурч, балки кўнчилик ҳавас қиладиган энг нуфузли касблардан бирига айланди.

— Бўлиб ўтаётган семинардан мақсад харбий прокуратуралар тизимида фаолият олиб

бораётган ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратини, маалакасини, шунингдек, уларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини, шахсий жавобгарлигини янада оширишдир, — дейди Республика Харбий прокуратуранинг кадрлар бўлими катта ёрдамчиси Акбар Бобоев. — Бунга тажрибали мутахассислар, шу жумладан, прокуратура соҳасида кўп йиллар фаолият юритган ҳуқуқшуносларни, харбий ва жиноят ишлари бўйича судлар судьяларини, Самарқанд олий харбий автомобиль кўмондонлик муҳандислик билим юрти ва олий ўқув юрти ўқитувчиларини, суд-тиббий экспертиза маркази ходимларини ҳамда Республика Харбий прокуратураси бўлим бошлиқларини жалб этганмиз. Харбий прокуратура органларида хизмат ўтаётган ходимларнинг ақсариятини ёшлар ташкил қилади. Ўз ишининг устаси бўлиши учун эса улардан чуқур билим, зарур амалий тажрибага эга бўлиш, юклатилган вазифани ҳалол, қатъият, ташаббус ва намуна кўрсатиб адо этиш талаб этилади. Ходимларнинг хизмат вазифаларига виждонан ва масъулият билан ёндашишларини таъминлаш, уларда фидойилик, ҳалоллик ва қатъиятлик каби ҳислатларни шакллантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

— Ўтказилаётган тадбир биз ёш ходимлар учун жуда фойдали бўлди, — дейди Термиз харбий прокуратурининг ёрдамчиси Умид Низоминов. — Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорлиқни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва олойтишларини таъминлашда харбий прокуратура органларининг масъулияти, ахборот хуружларига қарши фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, компьютер техникаларидан фойдаланиш, хизмат ҳужжатлари билан ишлаш тартиби, биологик ашёвий далилларни олиш, қадоқлаш ва бу турдаги экспертизани ўтказиш қоидалари каби машғулотлар биз тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ёш ходимлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ҳам бизга манзур бўлди.

Семинарда шунингдек, ёш ходимларни прокуратуранинг энг яхши аъёнларига содиқ қилиб тарбиялаш, касб сирларини эгаллашлари учун кўмаклашиш, юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажариш каби ҳислатларни шакллантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Биз ҳар йили чексиз қувонч билан тантана қиладиган бир байрам бор. У олий байрамлардан эмас. У бизнинг энг улуғ ва энг азиз байрамимиздир. Улуғлиги, азизлиги учун ҳам бу байрам кўнглимизда эзгу ҳислар уйғотади, юрагимизни шукроналик ҳислари ва фахр-ифтихор туйғулари билан тўлдиради.

У қадримиз, ғуруримиз шодиёнаси. Ўзбекистон мустақиллиги хар биримизнинг, бутун халқимизнинг байрамидир. Истиқлол туйғули биз-ишлар бир ҳақиқатни чуқур англадик, англадик эмас, юрагимизга сингирдик, тирилик, ҳаёт қанчалик қутлуг ва азиз бўлса, мустақиллик ҳам шунчалар улуғ ва азиздир.

Агар инсон озод ва эркин бўлмаса, унинг тириклигининг, ҳаётлигининг ҳеч қандай қиймати йўқ. Бинобарин, мамлакатимизнинг истиқлоли юртимиз, халқимиз учун унинг азалий ва абадий номини, шу номга муносиб юксак шаъни ва қадрини қайтариб берди. Чинакам бахт ато этди. Она дийримиз мустақиллик йилларида Президент Ислам Каримов раҳбарлигида оламшумул тарихий ютуқларни қўлга киритди. Аввало, дийримиз тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон давлатлари орасида муносиб ўрин эгаллади. Дунё бизнинг миллий давлатимизни таниди. Буюк келажимиз пойдевори барпо этилди. Йирик қорхона ва заводлар ишга туширилиб, минглаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилди. Бугун Ўзбекистонимиз ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қаторида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби нуфузли халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳол ҳудуд барпо этиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний ай-

Ҳақли давронсан, истиқлол

ланиши билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамжамият олдига турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳамса қўшаётган тинчликпарвар мамлакатига айланган.

Таъкидлашни истардимки, мустақилликда кечаётган хар бир лаҳза қалбимизни фахр ва ғурур ҳислари билан тўлдиримоқда. Чунки, хар дама мамлакатимиздаги хар жаҳда ва соҳада бир юксалишни сезаямиз.

Дарҳақиқат, юксалишлар ва ўзгаришлар баҳорини бошлаб келди истиқлол. Она Ватани ҳудди эртақлардаги каби орзу-умидлар ҳазонлик билмайдиган, фақат камол топадиган камолот дийрига айлан-тирди.

Хурлиқнинг хуш насимларидан ғунчадек очилган бу авлоднинг навқирон юраги "Ватаним номини дунёга дoston этаман, жаҳоннинг голиблик шохсупаларида юртим байрогини кўтараман, Ўзбекистон маҳфиясини янграатаман, ўзбек ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайди", деган ўтти тилак ва ахдлардан ёркинланмоқда.

Дарвоқе, бизни истиқлол фарзандлари, истиқлол мевалари, дея таърифлашса, фахрланиб кетаман. Ҳақиқатдан ҳам, истиқлолдан баҳра олиб, камол топаётган мустақил фикрли, қарашлири, руҳи озод, навқирон авлодмиз, бизни бахтли авлод, деб ҳам айтишади. Чунки шoir айтгани каби "Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор". Юртимиз тарихини ўқисак, истиқлол бизга тўхфа тариқасида берилмагани, не-не аждодларимизнинг бу нурафшон кунлар учун тўқилган қон, жони эвазига келганига амин бўламиз. Улар жон тикиб курашган, аммо етолмаган кунларга биз етдик, ғуруримиз, келажакимиз истиқлол нуридан ойдin бўлди. Зиммамиздаги бурч, масъулият ҳам шу қадар улуғ, шу қадар азиздир. У ҳам бўлса, юртимиз истиқлолини, халқимиз

эрки-ю озодлигини кўз қорачигидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш вазифасидир. Не бахти, энг буюк, энг муқаддас вазифа ҳам биз ёшларнинг зиммасига тушган. Биз ўз билим ва тафаккуримиз, мустаҳкам иродамиз билан бу вазифани бажаришга астойдил киришганмиз.

Президентимиз, халқимиз ишончини оқлаймиз. Жаҳон ахли Ўзбекистон ёшлари истиқлолнинг метиндек кўргони, истиқлол эса озод ва мағрур бу ёшларнинг ҳақли даврони эканига ймон келтиради. Мустақиллик боис, халқимиз буюк болаларини, ўзини, ўзлигини таниди. Президентининг биргина ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликлари қанчадан-қанча таҳсилларга лойиқ ва бу бизга қанчалар шарафли масъулият юклайди. Биз ёшлар бу ғамхўрликларнинг қадрига етишимиз, халқимизнинг нон-тузини оқлашимиз зарур, деб ўйлайман.

Мустақил давлатимиз томонидан ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг камол топишлари, билими ва бахтли инсонлар бўлиб етишишлари учун ташкил қилинаётган турли танловлар, давлат мукофотлари, жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Нихол" мукофоти, "Келажак овози" танлови ва шунга ўхшаш нуфузли рағбат ва имтиёзлар Юртбошимиз ва мустақил давлатимизнинг оталарча ғамхўрлиги намуналаридандир.

Менинг келажакдаги орзуми, она Ватаним мадҳ этиш, бунёдкор, меҳнаткаш халқимизни улуғлаш, зарур бўлса, Ватан учун жон фидо қилишга ундовчи гоғларни тарғиб этишдир.

Зарнигор СУБАНОВА,
ТДЮИ талабаси

120 баҳорни кўрган Хайрихон момо

Яқиндан йўлми тушиб, Олтиариқ тумани "Нуроний" ҳамгармаси бўлинкаси раиси Ҳотамжон ака Иброҳимов ҳузурда бўлганимда юз билан юзлашганлар ҳақида суҳбатлашиб қолдик. У киши бундай табаарриқ ёшдаги нуронийлар туманда ўнлаб топилишини айтиб, Хайрихон Мамажонова ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Ёшим 120 га етди. Ўн икки ёшимдан далада меҳнат қилдим. У пайтдаги ҳолат билан бугунги кундаги шарт-шароитлар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Турмуш ўртоғим Мулла-мамажон билан саккиз ўғил-қизни тарбиялашда доимо ҳамжиҳатлик, маслаҳат билан иш тутдик. Яратганга минг бор шукрлар қиламан, шу дорилмон кунларга етказганига. Фарзандларим, невараларим, чевараларимнинг ҳаммаси тинч-осуда яшамоқдалар. Ҳаётимиз фаровон, давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёзлар, ғамхўрликлардан фойдаланиб, олиамиз билан ҳаёт завқини сўраямиз, — дейди Хайрихон момо.

Момонинг тўнғич ўғли Латифжон бугун 98 ёшда экан. Яна Боқижон, Турғунчахон исмли фарзандларининг ҳам ёшлари улуғ.

Хайрихон момо Мамажонова ҳозирда 82 не-вара, 119 чевара, 11 эвара даврасида қариллик гаштини суриб яшамоқда.

— Ҳаёт машаққатларида тобланган, яхши-ёмон кунларга ғувох бўлган, уч асрни кўрган бундай кексаларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Айни чоғда туманимизда 100 ёшдан ошган 29 нафар онахон ва отахонлар истиқомат қилишади. Хар бир байрам, шонли саналар арафасида бу табарруқ инсонларнинг ҳолидан ҳабар оламиз. Зеро, улар хар қанча эъзоз ва ардоққа лойиқ инсонлардир, — дейди Ҳотамжон ака.

— Яқин кунларда мустақиллигимизнинг 22 йиллиги нишонланади. Биз кексалар кўлимизни доимо дуога очиб, юртимиз тинчлигини, элимиз фаровонлигини, Ватанимиз ободлигини Яратгандан сўраймиз. Юртбошимиз доимо омон бўлсин. Осуда, тинч ҳаётимизга кўз темгасин, юртимиз бундан-да гуллаб-яшнаверсин, — дея биз билан хайрлашди Хайрихон момо.

Муҳаммадхон МАҲМУДОВ,
меҳнат фойдаси

Кексаларимиз турмуш қураётган келин-куёвларни "Илоҳим, қўшилангларинг билан қўша қаринг", дея дуо қилиши бежиз эмас. Чунки, ҳаёта барча жуфтликлар ҳам қўшилангларин билан қўша қаринг бахтига муяссар бўла оlishмайди. Турли сабаблар билан икки томоннинг йўли айро тушади. Агар ўртача фарзанд бўлса, отанинг зиммасига болани вояга етгунга қадар моддий томондан таъминлаб туриш мажбурияти юклатилади. Аксарият оталар зиммаларидаги вазифани тўғри англаб, фарзандлари учун таъминотни ҳеч бир монеликсиз тўлаб боришса, айримлари боласи учун пул беришни ўзига эп қўрмайди. Мухтор Боқиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шу иккинчи тоифадаги оталардан экан.

Иккинчи тоифадаги ота

Дилшодбек АХМЕДОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Мухтор Гулзода Маликова билан норасмий турмуш қуриб, яшаб келаётган эди. Орада ўғилли бўлишди. Ниҳадир бўлди-ю, эр-хотин ўртадаги ришталарни узишга қарор қилишди. Гулзода фарзанди учун собиқ турмуш ўртоғидан нафақа ундириш мақсадида судга мурожаат қилди. Суд унинг аризасини қаноатлантириб, М.Боқиевдан вояга етмаган фарзанди учун қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш бораида қарор қабул қилди. Бундан хабар топган Мухторнинг тепа сочи тикка бўлди ва 2013 йилнинг 27 март кунини қайноғасининг уйига йўл олди экан, ҳўжалик пичоғи билан "қуролланиб" олишни ҳам унутмади.

Эшикни тақиллатаётган Мухтор эканлигини, устига-устак мастлигини кўрган Гулзода отаси билан укасига эшикни очмасликни тайинлади. Бироқ Мухтор бу ерга фарзандини кўриш мақсадида келганини айтиб, тийорлик қилаверган, уни ичкарига киритишди. Алдов йўли билан хонадонга кириб олган Мухтор Гулзоданинг укасига опаси билан гаплашиб олмоқчилигини, шунинг учун ёш болаларни ташқарига олиб чиқиб кетишни сўради. Ҳақимжон унинг илтимоси билан болаларни олиб, кўчага чиқиб кетди. Уйда унга қаршилиқ кўрсатишга қодир эркак киши қолмаганидан фойдаланган Мухтор шу заҳоти жинойи режасини амалга оширишга киришди. Аввалига алимент тўламаслигини айтиб, жанжал кўтарди, сўнггра хотинига ташланди. Унинг сонидан ўшлаганча, қорнига пичоқ санчди. Гулзода ўзини ҳимоя қилиш мақсадида унинг чангалидан чиқиб, диванда ўтирган касал отасининг орқа томонига ўтиб олди. Одамийлик қиёфасини йўқотган Мухтор жароҳатланган Гулзоданинг қўл-оёқлари ва танасининг бошқа қисм-ларига ҳам пичоқ урди.

Ошхонада қўймаланиб юрган ушбу хонадон келини Замира меҳмонхонадаги шовқинни эшитиб, чопиб келди ва Мухторнинг қўлига ёпишиб, пичоқни тортиб олмоқчи бўлди. Бироқ, пичоқ унинг қўлини кесиб юбориб, жароҳатланишига сабаб бўлди. Мухтор шунда ҳам бўш келмас, қандай бўлмасин Гулзодадан ўчини олишга уринарди.

Бу пайтда уйда бўлаётган ишлардан хабар топган Ҳақимжон зудлик билан воқеа жойига етиб келиб, Мухторга ташланди. Бунинг натижасида М.Боқиев ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жинойи режасини охирига етказма олмади. Ҳақимжон собиқ поччасини подыездга олиб чиққанда, қайну-касига кучи етмаслигини фаҳмлаган Мухтор унга пичоқ ўқталиб, ўлдириш билан кўрқитди-да, вазиятдан фойдаланиб, жуфтакни ростлади.

Халқимизда "Бузокнинг югургани сомонхонагача" деган нақл бор. Ўз фарзандининг таъминоти учун алимент тўлашдан қутулиш мақсадида турмуш ўртоғининг жонига қасд қилган Мухтор Боқиев қонун ҳукмидан қочиб қутула олмади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди томонидан М.Боқиевга узоқ муддатда озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Онаси бағрига қайтган чақалок

Халқимизда "Кўр ҳассасини бир марта йўқотади" деган ибора бор. Аммо Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Фаррух Фуломов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам жинойи қилмишлари учун уш маротаба судланган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармади.

Ақсина, у 2012 йилнинг 28 июлида онаси Иқбол Фаёзова, поччаси Қодир Фаёзов, Бухоро вилоят Перинатал маркази ҳамширалари Фарид Шарипова, Элнора Солиҳова ҳамда шу марказ сантехниги Қ.Қаҳҳоровлар билан тил бириктириб, яна бир жиноятга қўл урди. Яъни ўзи билан ниҳоятсиз яшаб келган Зулфиқар Жумаеванинг 2012 йил 17 июль кунини Қашқадарё вилоят, Миришкор тумани тиббиёт бирлашмасида туғилган чақалонини фуқаро Халима Хусановага 1000 АҚШ долларига сотади. Сўнггра бу ишнинг "иси"ни чиқармаслик учун тиббиёт бирлашмаси томонидан бола туғилгани ҳақида берилган гувоҳномами Қ.Қаҳҳоровга тақдим этилиб ва йўқотилган ҳужжат ўрнига янгисини тайёрлаш ҳаракати-га тушади.

Бунинг учун Бухоро вилоят Перинатал марказида қатъий ҳисобда турадиган, ФХДБ бўлимларида тақдим қилиниб, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномами олишга асос бўладиган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг солиқлиқ қас-

Набижон ЯХШИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

лаш муассасаларида туғилганлик ҳақида тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома-ларини бериш тартиби белгиланган йўриқнома асосида бериладиган маълумотнома бланкасини қўлга киритади.

Марказнинг айлана шаклидаги гербли муҳри қўйилган бланкани марказ ҳамшираси Э.Солиҳовадан Қ.Қаҳҳоров орқали 100 АҚШ доллари вазига сотиб олган Ф.Фуломов бланкага Ф.Шарипованинг ёрдами билан марказ ҳамшираси Э.Назировага чақалокни Х.Хусанова 2012 йилнинг 28 июль кунинда туққан деган ёзувини ёздирди. Сўнггра марказ директорининг имзосини сохталаштириб, Бухоро шаҳридаги 2-сон ФХДБга тақдим қилди. Натижада чақалокқа "Ҳайриллоев Миршодбек Қаҳҳорович" дея исм-фамилия қўйилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олинди.

З.Жумаеванинг вилоят ИИБ бошлиғи номига қилган мурожаатига асосан ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилади ва суднинг ҳукми билан Ф.Фуломов, Қ.Фаёзова, Ф.Шарипова, Қ.Қаҳҳоров, Э.Солиҳова ҳамда Х.Хусановаларга қилмишларига яраша жазо тайинланди. Бола эса онасининг бағрига қайтди.

Қариб қуюлмаган одам

Амир ЯНГИБОВЕВ,
Жиззах шаҳар прокуратураси катта терговчиси

Инсон ақл билан иш тутмай, жаҳлга эрк берса, спиртли ичимликлар ичишга ружۇ қўйса, тубаникка юз тутиб, одамийлигини ҳам унутар, ахлоқ доирасидан чиқиб, жиноятнинг боши берк кўчасига кириб қолар экан.

Бунга Синдор Сатторовнинг мудҳиш жинояти мисол бўлади.

5 нафар фарзанднинг отаси ҳамда 10 дан зиёд набираларнинг буваси бўлган С.Сатторов фуқаро Малика Сатторова билан 1974 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, Жиззах шаҳри, "Қипчоқ" маҳалласи, "Богдон" кўчасида бирга яшар эдилар. С.Сатторов 2012 йил 9 декабрь кунини қудасининг уйига меҳмондорчиликка бориб, у ерда спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолатда уйига қайтиб келади. Унинг бу ҳолати турмуш ўртоғига ёқмай, унга насихат қилди. "Яқинда қизингизни турмуш ўртоғи вафот этган бўлса, биласиз, ўзи куйиб қолган, унинг ҳолидан халбар олиб келишимиз керак эди, шунчалик ҳам ичиб келасизми", дея нолиди турмуш ўртоғи М.Сатторова. Ичимлик таъсирида шер бўлиб келган С.Сатторов, "Менга ҳеч ким ҳўжаини эмас", деб жаҳл отига минди. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро гап талаш-иш охири-оқибат бир ум-

рининг хазон бўлишига олиб келди. С.Сатторов шунча йил бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғини ўлдириш мақсадида ошхонадаги пичоқни қўлига олди. Ичимлик таъсирида одамийлик қиёфасидан чиққан бу кимса, умр йўлдоши М.Сатторованинг чап кўрак қафасига ва қорин бўшлиғига зарб билан пичоқни уради. Оқибатда Малика Сатторова олган тан-жароҳатлари туфайли 2012 йилнинг 10 декабрь кунини Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиалида вафот этади.

Мазкур жиноят иши юзасидан Синдор Сатторов айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қуйдагича кўрсатма берди. Малика Сатторова билан бир-бирларини ёқтириб турмуш қуришганини, 5 нафар фарзандлари борлиги, ҳозирда нафақадан эканлигини, турмуш ўртоғи билан шу вақтгача иноқ яшаб келаётганликларини таъкидлади. Хар сафар ароқ ичганида турмуш ўртоғи унга ичши мумкин эмаслигини наси-

ҳат қилишини ҳам айтиб ўтди. У 9 декабрь кунини қудаси Номоз Ортиқовнинг уйига бориб, 4 киши биргаликда ўтириб ош билан спиртли ичимликлар ичганликларини, уйига қайтиб келганида, маст бўлганлигини, пичоқни қаердан олганлигини, турмуш ўртоғига нима учун пичоқ урганини эслай олмаслигини, фақат ички ишлар бўлими ходимлари уйига келиб, уни савол-жавобга тутганида ҳўши ўзига келганини таъкидлаб ўтди. Турмуш ўртоғини ўлдириш нияти йўқлиги, ҳаммасига мастлик сабаб бўлганлигини, қилган ишидан минг бор пушаймон эканлигини билдирди.

5 нафар фарзанднинг отаси ўз турмуш ўртоғини ваҳшиёна ўлдириганини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бу воқеадан кейин халқимиз орасида тез-тез ишлатиладиган ибора, яъни "Ароқ заҳри қотил бўлиб, у фақат шешанинг ичиди жим туради", деган сўзлар беихтиёр ёдга тушади.

Ўз турмуш ўртоғининг қотилига айланган Синдор Сатторов суд ҳукми билан тегишли жазосини олиб, узоқ муддатда озодликдан маҳрум этилди.

Тажовуз

Абдурасул ЮНУСОВ,
Бўжа туман прокурори ўринбосари

Тўйлан қайтиб келиб, болаларига қараб ўтирган қайсинглисига раҳмат айтиб, уни қузатиб қўйган бека эшикни ичкаридан қўлфалаи-ла, қалитни қўлфала қолдириб, уйга кириди. Фарзандлари телевизор кўриб ўтиришган экан, у ҳам уларга қўшилди. Шу пайт тўсатдан чироқ ўчди-ю, хона зулматга қолди. Бека геразадан қўшинлариникига қараса, уларникила чироқ бор. Ҳайрон бўлиб, уяли телефонининг чироғини ёқди-ла, хабар олиш мақсадида ташқарига йўл олди. Ҳовлига элани чиққан ҳам эли, остона-ла рўпарасида турган кимсани кўриб, қўрқиб кетди-ю, шоша-пиша юзига чироқ тутди.

Уни шу маҳаллада яшовчи Ихтиёрга ўхшатар-ўхшатмас, кимса "телефонингни ўчир", деди дўриллаган овоз билан. Ҳовлисида осмондан тушгандек тўсатдан пайдо бўлган кимсани кўриб, қаердан келганини тушунамаётган бека бу гапни эшитиб, қўлидан телефонини тушириб юборди. Шу заҳоти томоғига пичоқ тиралди. Шундоққина қўли остида "овозингни чиқарсанг, ўласан", деган овоз чалинди-ю, унга қўшманча димоғига урилган ароқнинг қўланса ҳидидан қўнгли беҳузур бўлиб, оёқ-қўли қалтираганча, ўтириб қолаёзди. Устига-устак ичкаридан болаларнинг йиғиси эшитилди.

— Болаларингни овозини ўчир!

Уй қоронғи бўлгани учун бека уриниб-туртишиб, жон ҳолатда фарзандларининг ёнига югурди. Бироқ босқинчи унинг йўлини тўсди. Қариндош-уруғлари ҳақида сўраб-суриштириб, эри юбораётган пуллар ҳақида ҳам сўради. Пулларини бермаса, болаларини ўлдириб кетишини айтиб, таҳдид қила бошлади. Оиласи ҳақида анча-мунча нарса айтганидан кейин бека унинг ростдан ҳам шу маҳаллада яшовчи Ихтиёр исмли йигит эканига

амин бўлди-да, яхши гап билан уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилишга тушди. Босқинчи бўлса, унинг бу муомаласини бошқача тушуниш шекилли, шилқимлик қилишга ўтди. Буни кутмаган бека қаршилиқ кўрсатган эди, бошига мушт тушди.

Бу пайтда болаларнинг йиғиси янада кучайди ва босқинчи вақтини ўтказмай, аёлнинг сонидан ўшлаб, қўшни хонага судрай бошлади. Бироқ оёғи тойиб йиқилиб тушди. Бундан фойдаланган аёл ҳовлига отилди. Дарвоза қўлф бўлгани боис, деворга тирмашиб, кўчага сакраб тушди-да, ёрдам сўраб, бақира бошлади. Бундай бўлишини кутмаган босқинчи шу заҳоти жуфтакни ростлади.

Яхшиямки, уч-тўрт хонадон нарида аёлнинг ақинлари яшашар экан, зумда етиб келишди. Унинг гапи билан кимдир Ихтиёрнинг уйига югурди. Йиғилганлардан бири ҳовлига ўрнатилган электр ҳисоблагич атайин ўчирилганини билди-да, чироқни ёқиб келди. Қўп ўтмай босқинчи ҳам ҳибсга олинди. Суриштирув ҳамда тергов ишлари аяқланди, иш судга оширилди ва Ихтиёр Умаров қилмишига яраша жазога тортилди.

Сўнгги сўз ўрнида тарихга бир назар ташласак. Айтишларича, бир пайтлар уйда эри йўқ аёл, сув керак бўлса, бўш челагини кўчага чиқариб қўяр, буни кўрган йўловчилар эса вақти бўлса, сув келтириб қўяр экан. И.Умаров бўлса, ақсина, шайтоннинг қутқусига учиб, уйда эркак йўқлигидан фойдаланишга уринди. Оқибатда панжара ортга равона бўлди.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Навоий вилоят филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 6 июлдаги 81-П-сонли буйруғига асосан, Навбахор туман ҳокимлиги балансидаги, Навбахор туман "Олчин" ҚФЙ "Уч-тут" массивида жойлашган, бошлангич баҳоси 145 585 137 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) 16 хонадан иборат "Дилрабо" болалар боғчаси бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Балансда сакловчининг номи: Навоий вилояти, Навбахор туман ҳокимлиги.

Фаолият-ихтисослиги: Мактабгача таълим муассасаси.

Умумий ер майдони 6963,0 кв.м., қурилиш майдони 441,53 кв.м., фойдали майдони 441,53 кв.м.

Савдо 2013 йил 9 октябрь кuni соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 7 октябрь кuni соат 18:00.

Ўқоридаги "Давлат активи" 2013 йил 9 октябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йилнинг 16, 23, 31 октябр кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул

қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 16 октябрдаги савдо учун 2013 йил 14 октябрь кuni соат 18:00; 23 октябрдаги савдо учун 2013 йил 21 октябрь кuni соат 18:00, 31 октябрдаги савдо учун 29 октябрь кuni соат 18:00.

Талабгорлар "Давлат активи" бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини буюртманомалар қабул қилинадиغان охири кунгача АТ "Ипотека банк" Навоий филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. х/р: 20208000504920609007; МФО: 02005; СТИР: 207122519.

Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат

қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закатал "Давлат активи" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаш шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиغان ва аукцион ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уйда бўлиб ўтади. Тел: (8-436) 224-15-61. www.1kms.uz. rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган

«XORAZM KO'CHMAS MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарорига ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 27 августдаги 96-сонли буйруғига асосан Шовот туман ҳокимлигига қарашли Шовот тумани К.Отаниёзов кўчаси 37-уйда жойлашган умумий ер майдони 210 кв. метр шундан қурилиш ости майдони 209,90 кв. метр бўлган "Пархез ошхонаси" бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Объектни бошлангич баҳоси 64 282 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 30 сентябрь кuni соат 11:00да Урганч шаҳар Шерозий кўчаси 12-уйда бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномасини савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун мuddат ичида имзолаш шартлари юклатилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати сав-

до бошланишидан икки кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00дан 18:00гача Урганч шаҳар Шерозий кўчаси 12-уйда қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; (но-

тариял тартибда тасдиқланган бўлиши шарт)

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар, закатал шартномасини тузади, закатал тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси, юқорида кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомаси бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда пуз ўтказиш ёки нақд, пластик карточка орқали закатал пулини "Xorazm ko'chmas mulk savdo servis" МЧЖнинг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804935791001, АТИБ "Ипотека банк" Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302101924.

Телефон: +99862-226-88-87.

Расмий сайтимиз: www.uy-joy.uz

Лицензия RR-0054

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Фарғона шаҳар ҳокимининг 23.08.2013 йилдаги 1788-01-22-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

1. Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний ва Бобур кўчалари оралигида минн футбол майдончаси ва унинг таркибиде икки қаватли саломатлик маркази, ечиниш-кийиниш ва ювиниш хоналари ҳамда музқаймоқ ва салқин ичимликлар сотиш шохобчаси қуриш учун 2100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 1 484 280 сўм. Қурилиш тугатиш мuddати 3 ой.

2. Фарғона шаҳар, И.Исmoilов кўчасида икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комплекси бизнеси қуриш учун 200,0 кв.м. ер уча-

сткасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 158 504 сўм. Қурилиш тугатиш мuddати 6 ой.

Мажбуриятнинг бошлангич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 27 сентябрь кuni соат 17:00да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносиде 2013 йил 2 октябрь кuni соат 16:00да очилади ва 3 октябрь кuni соат 10:00да мазкур ҳокимлик биносиде таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор голиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мав-

жуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридеги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманоме билан бирга қўйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закатал тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. тел. +99895 404 54 84 веб-сайт www.effect.uz Лицензия 0094.

Хизматлар лицензияланган



Жорий ҳафта бошлади Бирлашган Араб Амирликлари давлатининг Абу-Даби шаҳрида 17 октябрдан 8 ноябргача бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати учун қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтади.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев ҳам иштирок этди. Қўрға нати-

Ўсмирларимиз «С» гуруҳида

жаларига кўра, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси "С" гуруҳидан ўрин олди. Вакиллариимиз ушбу гуруҳда Хорватия, Марокаш ва Панама ўсмирлар терма жамоалари билан кураш

олиб боришади. Умид қиламизки, Дилшод Нуралиев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси кичик мундиалда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Куйида барча гуруҳлар билан танишишингиз мумкин.

"А" гуруҳи	"С" гуруҳи	"Е" гуруҳи
БАА	Хорватия	Канада
Гондурас	Марокаш	Австрия
Бразилия	Панама	Эрон
Словакия	Ўзбекистон	Аргентина
"В" гуруҳи	"Д" гуруҳи	"Ф" гуруҳи
Уругвай	Тунис	Мексика
Янги Зеландия	Венесуэла	Нигерия
Кот-д'Ивуар	Россия	Ироқ
Италия	Япония	Швеция

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси катта терговчиси, адлия майори Ойбек Шариловга падари бузруквори

Латиф ШАРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Элим деб, юртим деб...



Farqona va Toshkent viloyatlari jamaa Respublika Bosh prokuraturasi raisi 35 yillan ortiq umrini mamlatimizda el-yurt tinchligi va oshinshatligini ta'minlashdek mas'uliyatli jamaa sharafiga vazifa bag'ishlagan inson, prokuratura faxriysi Erkin Azimov kutlug' 75 yilni qarshilamoqda.

У қарда ва қандай вазифада ишлашдан қатъи назар, ҳамisha билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида эътибор қозонди. Иш фаолияти давомида туман прокуратурасининг терговчиси, Республика прокуратурасида бўлим прокурори ва катта прокурори, Тошкент туман прокурори, жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Тошкент прокурори, вилоят прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Айни дамда Эркин Азимов Ўзбекистон прокуратура органилари Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг умри-ни эл-юрт тинчлиги учун бахшида этган нурунийларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Эркин Азимовичнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳолашди, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 27 августдаги Фармонида асосан "Жасорат" медали билан тақдирланди ҳамда прокуратура раҳбариятининг буйруғи билан бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Эркин Азимович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга соҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, дастурхонингизга тўқинлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси
Сотувчининг манзили: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй.
Алоқа телефонлари: (8-371) 268-23-21, 268-27-29 факс: 268-27-29

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:

№	Объект номи	Объект манзили	Балансда сакловчининг номи, манзили	Объект тавсифи	Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм	Энг кам инвестиция миқдори	Хусусий-лаштирилиши белгиланган ҳукумат қарори
1	"Дам олиш маскани" бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгибод-2 кўрғони, Оқунбобоев кўчаси, 1-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг "Электроника" институти, 100125, Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 33	Ер майдони 0,34 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 226,62 кв.м.	115 984 800 сўм	-	ПК-1743 25.04.2012 й.
2	"Шийпон" биноси	Тошкент вилояти, Пискент тумани, И.Хайдаров ФХУ ҳудуди		Ер майдони 0,20 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 214,58 кв.м.	25 069 500 сўм	-	ВМ - 120 27.04.2011 й.
3	собиқ 10-сонли умумий ўрта-таълим мактаби биноси	Тошкент вилояти, Пискент тумани, Октепа ҚФЙ ҳудуди	Пискент тумани ҳокимлиги, 111400, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А.Темур кўчаси	Ер майдони 0,42 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 715,52 кв.м.	78 006 600 сўм	-	ВМ - 120 27.04.2011 й.
4	собиқ 3-сонли умумий ўрта-таълим мактаби биноси	Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчаси		Ер майдони 0,32 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 1355,67 кв.м.	92 054 700 сўм	-	ВМ - 120 27.04.2011 й.
5	18-уйнинг ярим ертўла биноси	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 45-дахда ҳудуди	Ангрен шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар	Бинонинг қурилиш ости майдони 322,14 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 257,69 кв.м.	79 490 000 сўм	-	ПК-1743 25.04.2012 й.
6	Алоқа участкаси биноси	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони	НКМК Жанубий кон бошқармаси, 141100, Тошкент вилояти, Нуробод шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27	Ер майдони 0,38 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 420,62 кв.м.	316 953 000 сўм	-	ПК-1743 25.04.2012 й.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносида 2013 йил 8 октябрь кунини соат 11:00да бўлиб ўтади.

Олди-сотиш шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари):

1. Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш.
2. Тўлов муддатини қисқа муддатларда амалга ошириш.
3. Сотувчи билан 20 кун муддат ичида олди-сотиш шартномасини тузиш.
Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти: 2013 йил 7 октябрь кунини соат 18:00гача.

Тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қийдаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— ҳисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказилаётган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган давлат активлари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ва 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган Низомларига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқаришмоқда.

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активининг номи, сони, тавсифи ва давлат активи жойлашган жойи:

1. Фалларол тумани Гулистон ҚФЙ Шерқонгли қишлоғида жойлашган 46-сонли мактабнинг шийпон биноси:

— объектнинг бошланғич баҳоси 37 495 200 (ўттиз етти миллион тўрт юз тўқсон беш миң икки юз) сўм сотиб олиш тўловини ва маиший хизмат кўрсатиш шарт-ти билан 10,0 (ўн) миллион сўмдан кам бўлмаган миқ-дорда қўшимча инвестиция қиритиш мажбуриятини так-лиф этиш;

— умумий ер майдони 741,0 м.кв.
— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 316,8 кв.м.

2. Жиззах шаҳар Сайхан маҳалласи ҳудудида жой-лашган Жиззах шаҳар ҳокимлигига қарашли 19-сонли "Ситора" болалар бoғчаси филиали биноси:

— объектнинг бошланғич баҳоси 385 134 100 (уч юз саксон беш миллион бир юз ўттиз тўрт миң бир юз) сўм сотиб олиш тўловини ва объектдан болалар бoғчаси сифатида фаолият юритиши бўйича 25 (йигирма беш) млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвести-ция қиритиш мажбуриятини таклиф этиш;

— умумий ер майдони 6962,52 кв.м.
— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 2545,45 кв.м.

Сотувчининг манзили: 130100 Жиззах шаҳри, Ш.Ра-шидов кўчаси 63-уй, Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси.

электрон почта: www.gkl.uz
Алоқа телефонлари: (8 372) 226-25-04, 226-39-31.

факс: 226-57-85

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: музокаралар (оммавий оферта) Давлат рақо-бат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (ман-зил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй)да 2013 йил 1 октябрь 18:00гача.

Тўғридан-тўғри музокараларда қатнашиш учун та-лабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддат-ларда шахсан ўзи ёки почта орқали қийдаги ҳужжат-ларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нус-хада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтка-зилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, шу-нингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳуж-жатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— ҳисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, ва-колатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирил-ган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайди-ган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйил-ган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдоридида закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— икки нусхадаги ёпиштирилган конвертларга со-линган ва қийдагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари;

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаёт-ган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шарт-лари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари та-лабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўли-ши керак.

Маъзур давлат активларини савдога қўйилиши юза-сидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобла-нади.

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narda

Tahririyatga kelgan qo'yimlar taqiriz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
(1) — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-7928. 47 089 nuxsada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Mushahid: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'DEHOVONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot metbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi metbaa va azorot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617
9770100761004



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки (ОАЖ) Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан табриқлайди ва қўйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МУСТАҚИЛЛИК 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганидан (12 ой) сўнг берилади.



Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизининг сақланиши ва қўнайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган

Халқ фаровонлиги
фаолиятимиз мезони



ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ
22 ЙИЛЛИГИ
МУБОРАК БЎЛСИН!